Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 17 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 61 (6758)

Даъват

Эл-юрт ободлиги, Ватаннинг қудрати, фарзандлар камоли ва ватандошлар саодатини кўрмоқ орзуси — ҳар бир тоза ниятли, иймони пок инсон ҳаётининг мазмунидир.

Ислом КАРИМОВ.

Ибрат

Тошкент туманидаги Масалбой қишлоқ Кенгашига қарашли маҳаллалар мактаблар билан ҳамкорликда футболни оммавийлаштиришга эътиборни қаратмоқдалар. «Ёшлик» маҳалласида «Беҳқўрғон», Хисёбон маҳалласида «Хисёбон» футбол жамоалари ташкил этилди. Бу жамоалар 6-мактаб ўйинтоҳида машқ ўтказмоқдалар.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА 15 КУН ҚОЛДИ

Мамлакатимиз педагогларининг анъанавий Август кенгашлари бошланди. Кенгашларда ва унинг шўъбаларида ўтган ўқув йили натижаларини чуқур таҳлил этиш, муаммоларни ҳал қилиш йўлларини аниқлаш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда янги ўқув йили вазифаларини белгилаш энг асосий мақсад бўлсин!

Абитуриент-96

ТЕСТ МАРКАЗИДАН РЕПОРТАЖ

ЁХУД ДАСТЛАБКИ ХУЛОСАЛАР

Ўзбекистон таълим тизимига ўзига хос адолат мезони бўлиб кириб келган тест синовлари бўйича яна бир йиллик ўзига хос тажриба тарихга киряпти. Хўш, у қандай ўтди? Ундаги ўзига хос янгиликлар нималарда кўринди?

Куни кеча илмгоҳларнинг кундузги бўлимларига ўқиш учун тест синовидан ўтган абитуриентларнинг баллари эълон қилинди. Ҳали бу жараён батафсил таҳлил қилинади, хулосалар чиқарилади. Бироқ тестларга тайёргарлик, ўтган йилги хатоларни ўқитувчилар орқали ўқувчиларга етказган, тест синови жараёнларида қатнашган ва бу жараённи ёритиб борган «Маърифат» газетаси бугун маълум маънода хулоса чиқарса бўлади деган фикрдамиз.

Жавобларнинг эълон қилиниши ҳамоноқ Давлат Тест маркази директори Муҳсин ака Муҳиддинов билан боғланиб, дастлабки натижалар билан мушторийларни огоҳ этиш ниятидалигимизни айтдик. Муҳсин ака бу фикримизни маъқуллаб, Тест марказига таклиф қилдилар.

Дарвозада бизни махсус қуриқловчилар кутиб олишди. Кузим тушган биринчи нарса, дарвозадаги эълон бўлди. Унда таъкидланишича, ўқишга кириш учун бали етмаган ва ўзининг билими юқори эканлигини таъкидлаган абитуриентларнинг ўз жавоб варақаларини кўришларига 25 августдан бошлаб рухсат берилади. Ҳурматли ота-оналарнинг кўнгиллари тўқ бўлиши мумкин — варақадаги жавобларни тузатиб ёки ўзгартириб бўлмайди. Чунки унда абитуриентнинг имзоси бор. Қолаверса, кўрган бўлсангиз, фарзандингиз тест синовини топширгач, мазкур жавоблар йиғилиб, яна ўша қутиларга солиниб, қуриқловчили махсус машинада тўғри Тест марказига олиб борилди (Муҳсин аканинг айтишича, Ўзбекистоннинг энг узоқ нуқталаридан жавоблар ана шу зайлда кеч соат 23.30 гача келтирилган).

«Калити чиқибди», деган мишмишларнинг олди олинган бир тадбир ҳақида гапирмасликнинг имкони йўқ. Маълумингизким, ўтган йили тест китоблари бор-

(Давоми 3-бетда)

Ҳаяжонли лаҳзалар

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Ҳозирги кунда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 23 та лицей, 1 та халқаро мактаб, 2 та тил ўрганиш марказларида ўқувчилар илм олиб, тил ўрганишмоқда.

***

Республикамизда 400 000 ўқувчига мўлжалланган мактаблар ҳамда 50 мингдан зиёд ўринли болалар боғчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

***

Янги очилган 300 га яқин ҳунар лицейи ва бизнес мактабларида минглаб ўқувчилар ҳунар ҳамда замонавий иқтисод алифбосини ўрганишмоқда.

Янги алифбони ўрганамиз

ВАЗИРЛИК ЁРДАМИ БИЛАН

Бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги ўқув муассасаларига мўлжалланган «Оригинал кўргазмали қуролларни яратиш» бўйича II Республика кўрик-танлови ўтказилган эди. Унда ихтирочи муаллимлар қаторида Чортоқ шаҳридаги 9-ўрта мактаб қошида очилган ёрдамчи мактабнинг дефектология фани ўқитувчиси Абдумутал Маткаримов ҳам иштирок этди. Кўрик-танловда унинг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганамиз» деб номланган 36 кадрдан иборат рангли слайд фильми юқори ўринни эгаллаганди.

Энди мазкур фильм Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ёрдамида «Расмли алифбо» (мактаб, болалар боғчаси ва жамоат ташкилотлари учун) номи билан «Ўзтелерадиокомпания»га қарашли «Ўзбектелефильм»да кўп нусхада ишлаб чиқарила бошлади. Бундан руҳланган ижодкор ўқитувчи А. Маткаримов «Кўзи ожиз талабаларга атроф-муҳитда эркин ҳаракат қилишни ўргатиш» диафильмини яратишга киришди. Бу сафар муаллиф мазкур фильмни яратишда ҳомий ташкилотларга умид боғлаган. Ўйлаймизки, савоб ишга қўл урмоқчи бўлиб турган ҳомий ташкилотлар мустақил юртда кўплаб топилади ва бу эзгу ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Қ. МАТҚУРБОНОВ.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ «Ўзбекистон Республикасида тиббиёт ва фармацевтика саноатини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.

⊛ Тошкентда Жаҳон банкининг иқтисодий ривожланиш институти томонидан ташкил этилган «Ижтимоий сиёсат, дастурлар ва лойиҳалар» мавзуидаги махсус семинарнинг учинчи қисми очилди. Унда Жаҳон банки ҳамда кўпгина мамлакатлардан мутахассислар иштирок этмоқда.

⊛ 14 август куни Москвада МДҲ иштирокчилари бўлган давлатлар Мудофаа вазирлари кенгашининг мажлиси бўлди. Унда ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимини ривожлантириш, тинчлик ўрнатувчи кучларни тайёрлаш, НАТОни Шарқ томон кенгайтириш режасига мазкур кенгашнинг нуқтаи назари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

⊛ Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Александр Лебедь тинчлик ўрнатиш бўйича янги ваколатлар олиб, яна Чеченистонга келди. Борис Ельцин А. Лебедга Чеченистондаги барча Россия қўшинларини назорат қилиш ҳуқуқини берувчи декретга имзо чекди.

⊛ Фаластин ва Исроил вакиллари 6 йиллик танаффусдан сўнг илк бор Қуддусда учрашишди. Томонлар бир-бирини тинчлик битимини бузганликда айблашмоқда. Я. Арофат яҳудийларнинг Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида яҳудийлар шаҳарчаларининг кенгайишига тўсиқ қўйишини сўраб, АҚШ президенти Б. Клинтонга мурожаат қилган.

ИШОНЧИ БОРНИНГ ИМКОНИ БОР

Тест-96

Бир неча кунлик танаффусдан сўнг олий ўқув юртларининг йўлаклари яна гавжумлашиб кетди. Бунинг сабаби, кўпчиликка маълум: абитуриентлар яқинда бўлиб ўтган тест синовларининг натижаларини билиш иштиёқида.

Илгари имтиҳонлар сўнгида абитуриентларнинг «сарагини саракка, пучагини пучакка айлантирадиган», «мандат» деб аталадиган кун институтларнинг қаршиси нақ бетартиб бозорни эслатиб юборарди. Урсур, жанжал-тўполон. Барча бино пештоқидаги карнайдан талабаликка қабул қилинганларнинг рўйхати эълон қилинишини сабрсизлик билан кутишарди. Ниҳоят, бу маросим тугагач омад юз ўгирганлар, ҳақиқат ва адолат излаб, ота-оналарнинг, таниш-билишларнинг етовида кабинетма-кабинет югургилашарди.

Мана, у кунлар ҳам бир тарих бўлиб қолди. Хўш, бугун қандай манзара?

Биз худди шу саволга жавоб топиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ташриф буюрдик.

Йўлакларда ёшлар серқатнов. Кўпчилик институт ҳовлисидаги кўрсаткичлар тахтачасига осиб қўйилган, яқиндагина зўр қувонч ва ҳаяжонлар оғушида ўтган тест синовларининг натижасини билиш учун ошиқишяпти. Тахтачага осиглик рўйхатни обдон кўздан кечирган ёшларнинг кўпларининг юз-кўзида қувонч ловлов ёнса, кўплари маҳзун холатда чеккага чиқаяпти. Биз ана шундай кайфиятдаги ёшлардан бирини суҳбатга тортдик:

1996 йили олий ўқув юртларига кириш учун бўлиб ўтган тест синовлари натижалари эълон қилинди. Қуйида айрим олий ўқув юртларининг энг юқори (мутахассисликларга қараб) ўтиш баллари ва абитуриентлар тўплаган энг юқори балл билан таништирамиз:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўтиш бали — 180,8 юқори балл — 224,7

Тошкент давлат педагогика институти ўтиш бали — 201,5 юқори балл —216,1

— Кечирасиз, ўзингизни таништирсангиз?

— Мен Қодиров Бахтиёр, асли бухороликман. Шу институтнинг абитуриенти эдим...

— Кайфиятингизга қараганда, талабалик бахти ҳозирча сизни четлаб ўтибди-ёв?..

— Ҳа, шунга ўхшаб турибди... Менинг титул рақамим қизил чироқдан анча пастда...

— Сиз тест синови натижаларидан норозимисиз?

— Йўқ, албатта, «Маърифат»да тест синовлари натижалари эълон қилингач, абитуриентларга ўз қўли билан тўлдирган жавоб варақалари калити билан кўрсатилиш айтилганди. Шубҳалансам, ўз ишимнинг натижаси билан танишиш имкониятига эгаман.

Бахтиёржоннинг сўзлари бизни мамнун этди. Чунки ёшларимиз одатдагидек адолату ҳақиқат излаб эшикма-эшик югуришмаяпти. Сабаб битта: уларда бугунги кун олий ўқув юртларига кириш синовлари холис ўтказилаётганига, бу ерда ҳеч бир қингирликларга йўл қўйилмаётганига ишонч бор. Ёшларимиз вақтинчалик омадсизликлардан умидсизланмай келажак томон яна дадил интилмоқда. Бу ишонч, бу ўктамлик уларни ҳеч қачон тарк этмасин. Зеро, ишончи борнинг имкони бор...

Луқмон БЎРИХОН,
Норали АСЛОН,
«Маърифат» мухбирлари.

Қутлуғ остона

11-СИНФДА ЎҚИЙДИГАН 14 ЁШЛИ ҚИЗ

Миллат бардавом. Унинг минг-минг йиллик ўзига хослигию айрича фитрати ҳамиша суяк суради. Авлоддан авлодга. Ушмундоқ давомийлик парчаларидан бири—туғма истеъдод.

«Ўн тўрт ёшида дарс айтқони учун Мулло Модарзод дер эркандурлар. Андин Манқулдур: киши бир ниманикким эшитти, яна нечук унутар». Бобур «Бобурнома»да шундай ёзган. Туғма истеъдод ҳақида. Хондамир «Макоримул-ахлоқ»да Ҳазрат Навоий тўғрисида ёзади:

Даригоки, покбози жаҳон аз жаҳон бирафт,
Пок он чунон омаде будки, он чунон бирафт.

Бу яна бир буюк туғма истеъдод ҳақида қайд.

Миллат бардавом. Унинг барча фазилатлари суяк суради. Аждоддлари туғма истеъдодли бўлган миллатнинг авлодлари ҳам шундайин кетади. Бу — ҳаёт қонуни. Ана шундай бобомерос истеъдод ворисларидан бири Жаҳон Абдурасулова. Эндигина 14 га қадам қўйган бу қиз Тошкентдаги 41-ўрта мактабнинг 11-синфига ўтди. Яқинда Улуғбек номидаги ёш истеъдодларни қўллаш жамғармаси уни «Умумтаълим дастурини узлаштиришдаги ўзига хос ютуқлари, дунёқарашининг чуқурлиги ва ранг-баранглиги учун» биринчи даражали диплом билан тақдирлади.

Биз қуйида Жаҳон Абдурасулованинг Мустақиллик ҳақидаги фикрларини ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу фикрлар унинг барча тенгқурлари қўнглидаги гаплар бўлса, ажаб эмас.

* * *

Мустақилликнинг беш йили. Узоқ муддатми ёки қисқами? Шахсан мен учун бу — онгли ҳаётимнинг ярми. Чунки, уша, 91-йилнинг сентябрида мен ҳали саккиз ёшга ҳам тўлмаган

(Давоми 3-бетда)

ТАЪЛИМ ВА ИҚТИСОДИЁТ

Расмий бўлим

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлабоқ мамлакатимизда ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини барпо этиш йўли қатъият ва изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос иқтисодий ислоҳотларини тўлиқ рўёбга чиқариш, мамлакат тараққиётининг келажагини таъминлаш шубҳасиз, иқтисодий таълим-тарбия масалаларини тўғри ҳал қилиш билан боғлиқдир. Зотан республикамизнинг бозор иқтисодига ўтиш даврида иқтисодий билим, кўникма, малакалар махсус фан сифатида аҳолининг барча қатламларига ўргатиш ҳаётий зарурат эканлигини кўрсатмоқда. Бу халқ таълими тизимининг барча бўғинларида иқтисодиётни ўрганишни, ёшларни келажакка тайёрлашда муайян даражада иқтисодий билимлар эгаси бўлишини тақозо этади. Айни пайтда бу халқ таълими тизими олдига қўйилган жамиятнинг ижтимоий талаби ва бюртмаси ҳамдир. Бугунги кун талаб этаётган масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ташаббуси билан тузилган ишчи гуруҳи академик С. Ғуломов (раҳбар), профессорлар З. Йўлдошев, Т. Шодиев, Х. Лутфуллаев, А. Бекмуродов, доцентлар Б. Усмонов, З. Валиева, Ё. Муҳибовлар томонидан «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия» концепцияси ишлаб чиқилди. Лойиҳа иқтисодий таълим-тарбия бўйича олиб борилган илмий ва амалий ишлар натижасига таяниб тайёрланган.

Маълумки, замонавий, ижодкор шахс шаклланишида интеллектуал ва маънавий ривожланиш узлуксиз бўлиши табиийдир. Шу боис шахсда маълум иқтисодий саводхонлик даражасини таркиб топтириш ҳам узлуксиз ва босқичма-босқич амалга оширилиши лозим. «Босқичли таълим» концепциясини умр давларига кўра таснифлаш (бўлиб чиқиш) орқали унинг ҳаётийлиги белгиланади.

Мазкур ҳужжатда иқтисодий саводхонлик даражасини ўстириш таълим, меҳнат, ишбилармонлик ўйинлари жараёнида ёшлар билан катталар ўртасидаги иқтисодий муносабатга тақлид сифатида эмас, ҳақиқий ижодкорлик, тадбиркорлик, ўзаро ҳурмат руҳида бўлишини таъминлаш, яъни жаҳон андозаларига мос бўлиши ҳисобга олинган.

Биз бугун газетамизнинг 2-бетида чоп этилаётган Концепция лойиҳасида мазкур ҳужжатнинг халқ таълим тизимига тегишли қисми ёритилган. Олий ва ўрта махсус таълим тизими, малака ошириш ва ижодий изланишларга доир қисмлари эса «Ўзбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим» концепцияси яхлит лойиҳасида батафсил баён этилган. Шунингдек, узлуксиз иқтисодий таълим соҳасидаги халқаро алоқалар, моддий, молиявий, ҳуқуқий таъминлаш каби масалалар вазирликлараро ишланган Ягона концепция лойиҳасида ўз ифодасини топган.

Ўйлаймизки, Концепция лойиҳаси ёшларда иқтисодий билим, кўникма ва малака ҳосил қилишнинг, уларга иқтисодни фан сифатида ўқитишнинг йўналишлари бўйича сизга муайян тасаввур беради, фикр-мулоҳазалар уйғотади ва амалий фаолиятга чорлайди.

Фикр-мулоҳазаларингизни эса республика Таълим марказига, ишчи гуруҳига йўллайсиз деб умид қиламиз.

СУВ ҲАВЗАЛАРИ ҚУРИЛИШИ ҚАЙ АҲВОЛДА? (Бу ҳақда 4-саҳифада ўқийсиз)

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ОКЕАНДА ЁЛҒИЗ

Сафар қилган японялик Кенити Хорэо 135 кунда 16 минг километр йўлни ўтиб, Токиога етиб келди. Унинг кемаси қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатланади. Хорэо студентлик йилларида 1962 йили Тинч океанини биринчи бўлиб ёлғиз кесиб ўтган инсон ҳисобланади.

ТАБАССУМ ТАРАҚҚИЁТ БЕЛГИСИ

АҚШ олимларининг иқтисоди ривожланган 29 давлатда ўтказган изланишларига кўра, одамлари узаро хушмуомала бўлган, даромадни солиқдан беркитиш кам учрайдиган мамлакатда иқтисодий усиш юқори буларкан. Аҳолининг узаро ишончи эса хусусий инвестициянинг кўплаб келишига сабаб бўлар экан.

XXI АСР КОМПЬЮТЕРИ

Нью-Йорк институтларидан бирида тузилган ЭҲМ дастури ёрдамида XXI аср кишилари уз компьютерларида дунёдаги исталган жониворни боқиб катта қилишлари мумкин. Олимларнинг кўрсатишича, жониворлар касалга чалиниб қолса, нобуд бўлмасликлари учун дискетни текширувга олиб келиши керак.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УЗЛУКСИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ» лойиҳаси билан танишинг (2-саҳифа)

МММ — ХАБАРЛАРИ

НАБИҚИШЛОҚНИНГ АЖОЙИБ КЕЧАСИ

Ўзбек халқи кўп танти-да! Ўзининг буюк шоиру фозиллари, умуман энг яхши кўрган фарзандларини сира «кўчага ташлаб қўймайди». Мана, Бешариқнинг Набиқишлоғида ҳам хўп ажойиб кеча бўлиб ўтди. Бу кеча севимли шоиримиз А. Орипов таваллудининг 55 йиллиги муносабатидир. Унда шоир ҳақидаги бор илиқ гаплар айтилди, Абдулла аканинг шеърлари қайтадан Набиқишлоққа файз киритиб юборди. Қисқаси, хў-ўп ажойиб кеча бўлди-да, Набиқишлоқда!

БАЙРАМГА «КЕТАДИГАН» ГАП

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида истиқлолнинг беш йиллигига бағишланган шеърият кечаси бўлиб ўтди. Кечани уюшма раиси Т. Қаипбергенов очиб, зиёкорлар, қаламкаш ҳамда ижодга эндигина кириб келаётган ёшларни байрам билан қизғин қутлади.

Шундан сўнг Т. Сарсенбоев, Н. Тўретова, А. Ўтенбергенов каби шоирлар ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди. Кеча давомида ёшлар ва таниқли ижодкорлар ўртасида уюштирилган қизиқарли саволжавоблар, айниқса жуда байрамбоп бўлдиёв!

СПОРТЧИ БЎЛМОҚЧИМИЗ

Жомбой тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Камалак» болалар боғчасида ўзбек халқ миллий ўйинларига асосланган спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Вилоятда илк бор кичкинтойлар ўртасида ўтказилган бу беллашувда Жомбой шаҳридаги 7 та боғчанинг 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган тарбияланувчилари иштирок этди. Мусобақада «Камалак» болалар боғчасининг жажжилари ғолиб бўлишди.

ОЛТИНГА ҲАМ ТОПИЛМАС ОНЛАР

Яқинда Амударё туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигида икки қаватли янги, кўркам бино ишга тушди. Мазкур бинода қишлоқ шифокорлик пункти жойлашиб, айниқса болалар соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши кўзда тутилган.

Янги шифокорлик пункти биносининг ишга туширилишига бағишланган тантанали йиғинда Амударё тумани ҳокими Ф. Эрмонов, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари К. Матеповлар иштирок этиб, бунёдкорлар номига ўзларининг миннатдорлик туйғуларини изҳор этишди.

МУАЛЛИФЛАР: М. Каримова, Ғ. Ёқубов, Н. Шербоева.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УЗЛУКСИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ

(Халқ таълими тизими қисми)

УЗЛУКСИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЗАРУРАТИ ВА АҲАМИЯТИ

Узбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат аҳоли яшаш шароитини тубдан яхшилашга қаратилиши ҳар бир шахснинг шаклланишида унинг қобилиятига, имкониятига яраша ижодкор бўлишига замин яратяпти. Шу боис, ижтимоий фаол ва ижодкор шахсни ўзгартириб бораётган шароитни, яъни бозор муносабатларини ҳисобга олган ҳолда мустақил фаолиятга тайёрлаш ҳаётий заруратдир.

Ватанимиз тарихига назар ташласак, аждодларимиз ўз замонасига мос иқтисодий фикр юритишда алоҳида ажралиб турганлар. Бу борада Буюк ипак йўлини кашф этиб, савдо-сотиқ, моллар алмаштириш, ишлаб чиқаришни талаб даражасига қараб ўстириш, хуллас бозор иқтисодиётини ривожлантиришга асос солганларини эслаш кифоя.

Темур ва темурийлар авлодлари ҳокимиятни бошқарган даврда ҳам мамлакат бойлигини кўпайтириш учун иқтисодий алоқалар, иқтисодни бошқариш ишига кишиларни тайёрлаш, иқтисодий ривожлантиришга илм-фан ва маданият кишиларининг таъсири каби муаммолар ҳал этилган. Замон талаб этган кишиларни тарбиялашда иқтисодий аҳамият касб этувчи шахсий сифатларни таркиб топтириш марказий мавзу эканлиги А. Авлонийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида «Иқтисод» бўлимининг ажратилиши бундан далолат. «...Ҳозирги замонда мақсудга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халққа мақбул бўлмоқ учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила улчанадур. Ҳар ерда бой миллатлар оғур келуб, паллани босуб, ҳўжа улганидек фақирларни енгил кулиб, қул ва аср бўлиб, осилиб қоладур... Америкаликлар бир дона дон экуб, йигирма қадоқ буғдой олурлар, европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни келтуруб ўзимизга йигирма тийинга сотурлар. Аммо... Туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ бериб, сут оширмиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз... Ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, инсоф, туганмас сабр, битмас ғайрат лозимдур...» (Абдулла Авлоний, Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, «Ўқитувчи», 1992 йил, 33-34 бетлар).

Республикамиздаги ижтимоий муносабатлар, иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлар иқтисодий таълим-тарбиянинг барчага баробар тааллуқли ва узлуксиз бўлишини талаб этяпти.

Муаммонинг оммавийлиги иқтисодий таълим-тарбияни ҳамма ижтимоий институтларда, яъни оилада, мактабгача таълим муассасалар, махсус мактаблар, ўрта умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус таълим, меҳнат жамоаларида, мактабдан ташқари таълим масканларида, маҳаллаларда, малака ошириш институтлари ва бошқаларда амалга оширилишидадир.

Иқтисодий таълим-тарбиянинг ривожланишини вақт билан қатъий чегаралаш мумкин эмас, у узлуксиздир. Узлуксизликни таъминловчи, иқтисодга йўналтирилган таълим-тарбия тадбирлари тизимидаги марказий сиймо жаҳон андозасига мос келувчи ижодкор шахсдир. Шахснинг иқтисод фанини, илмини ўрганиб камолатга интилиши ижодкорликни таъминлайди. Ижодкор шахсни яратувчи куч ижтимоий муҳит, эҳтиёж ва мотивдир. Энг илғор фикрлар, мафкура, энг такомиллашган тафаккур фаолият воситасида моддийлашиб, сезиладиган нарса тусига айланган-дагина иқтисодий тарбиянинг омили бўлиб қолади. Иқтисодий тарбия тизимини ишлаб чиқишда узлуксизликни, яхлитликни, боғлиқликни таъминловчи «босқичли таълим» концепцияси тавсия этилади.

Концепция негизида элементар иқтисодий таълим тарбиядан то иқтисодий маданиятлилик даражасигача бўлган жараён ётади. Бу жараёнда қуйидагиларни таркиб топтириш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий тарбия — жамиятнинг шахсга мустақил фаолиятида самарали кўрсаткичларни таъминловчи аниқ иқтисодий тушунчалар, иқтисодга боғланган сиёсат, қонунлар, қонуният асослари ва уларнинг амалда фойдаланиш йўл-йўриқларининг йиғиндисини ўзлаштиришга имкон берувчи изчил, мақсадга мувофиқ таъсири.

Иқтисодий таълим — ижодкор шахснинг шаклланишига таъсир этувчи иқтисодий билимлар, қуникма, малакалар йиғиндиси, узлуксиз, изчил, мақсадга кўра шахснинг эҳтиёж имкониятларини ҳисобга олиб, турли услуб, аниқ дастурлар, методикалар билан етказиш жараёни.

Иқтисодий саводхонлик — мустақил фаолият кўрсатишга зарур бўлган барча иқтисодий билим, қуникма ва малакалар йиғиндисини таркиб топтириш, ҳар бир шахснинг жамиятда бўлган иқтисодий ўзгаришлар ва давлат иқтисодий сиёсатини англаш, шунга кўра турмуш даражасини оширишга, шахсий эҳтиёжини қондиришга ёрдам берувчи самарали фаолият билан шуғулланишни таъминловчи иқтисодий билим, қуникма, малака, йўналтирувчи қоида, усул ва услубиятлар мажмуи.

Иқтисодий тайёргарлик — шахс шаклланишида талаб, эҳтиёж ва имкониятига кўра танлаган соҳалар, касблар, мутахассисликлар бўйича махсус иқтисодий, назарий ва амалий билимлар йиғиндисини таркиб топтириш. Узлаштирилган аниқ иқтисодий назарий ва амалий билимларни мустақил фаолиятда самара беришига кафолатлар, яъни аниқ иқтисодий маълумотлар (ўрта, махсус, олий, малака ошириш ва бошқалар).

Иқтисодий тафаккур — иқтисодий билимлар тўплаш жараёни бўлиб, ўқувчи томонидан унга қулай, мос бўлган даражада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тушунчалар тарзидаги муайян тизими қонуниятларининг акс этиши, иқтисодий онгдаги конструкция қисмини тутиб турувчи мантиқий алоқадир. Бу тизим ва мантиқий алоқадаги ахборотлардан олинадиган билимлар ҳажми яхлит, ўзаро боғланган фикрлар ҳосил қилади. Бу фикрлар кенгаядиган иқтисодий онгдаги конструкция материалидир.

Иқтисодий тарбияланганлик — шахс баркамоллигини белгиловчи ахлоқий сифатлардан бўлиб, кишиларнинг фаолиятига иқтисодий саводхонлигининг амалдаги ижроси, жамият ва давлат иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати асосида намоён этилиши. Иқтисодий тарбияланганлик даражаси шахс хатти-ҳаракатидаги самарали, ижтимоий фойдали, ижодий фаолияти натижалари ҳаёт талаби эканлигини англаш билан белгиланади.

Иқтисодий фикрга эгалик — иқтисодий ҳодисаларни ўқувчи қулай, мос бўлган даражада билиши, таҳлил қилиши, иқтисодий тушунчалар, категорияларни ўзлаштириши, билимларни тўплаш ва иқтисодий муносабатда тўғри мўлжал олиши.

Иқтисодий онг — субъект томонидан иқтисодий муносабатларни объектив тушуниш натижаси ҳамда содир бўлаётган иқтисодий ҳодисаларга ўз фикрини билдириш ва уни ҳимоя қилиб амалга ошириш.

Иқтисодий маданият — кишиларнинг фаолиятларида жамият, давлат ва алоҳида ишлаб чиқилган иқтисодий сиёсат асосида унинг вазифаларини ҳал этишдаги иштирокининг сифатий таърифи ва кишиларнинг хўжалик юритишдаги иқтисодий билим, қуникма, малакалар, шунингдек, иқтисодий тафаккур ва онгнинг ривожланиш даражаси.

КОНЦЕПЦИЯНИНГ ГИПОТЕЗАСИ

Ижтимоий муносабатлар асосида жамият тараққиётига таъсир этувчи шахс сиймосининг жаҳон андозасига мос камол топтиришда, иқтисодий маданиятлиликнинг ҳаётий эҳтиёж эканлигини англашда қуйидагиларни амалга ошириш шарт:

— узлуксиз иқтисодий таълим-тарбиянинг илмий, методик таъминоти;

— узлуксиз иқтисодий таълим-тарбияни моделлаштириш;

— шахснинг иқтисод фани ва илмини ўқиб ва ўқиб олиши учун моддий таъминот.

КОНЦЕПЦИЯНИНГ УМУМИЙ МАҚСАДИ

Жамият тараққиётини белгиловчи шахсни ҳаётий фаолият воситасидан унумли фойдаланган ҳолда унинг иқтисодий саводхонлигини, иқтисодий маданиятлилик даражасини ошириш.

Жаҳон талабига мос келувчи ижодкор шахсни тарбиялашдек ижтимоий топшириқни (буюртмани) бажаришда давлат манфаатини кўзлаган ҳолда Узбекистон давлати мафкураси, иқтисодий, маънавий тараққиёт даражасидан келиб чиқиб XXI аср замонавий таълим масканини яратиш.

КОНЦЕПЦИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Концепция методологик асосининг танланиши Ватанимиз иқтисодиёти ҳамда педагогикаси назариялари ва амалиётининг умумий ҳолати билан белгиланади. Бугунги кунда дунёвий аҳамиятга эга бўлган назарияларга эътиборни қаратар эканмиз, Узбекистон иқтисодиёти ва педагогикаси ўзбек миллатининг талабларидан келиб чиқувчи асосий йўналишлардан иборат бўлади. Бунда материалистик диалектикага мурожаат этиш рационал ҳолдир. Чунки ўзида диалектика, мантиқ ва англаш назариясининг тўла бирлигига эришиш имкониятлари прогрессивлигича қолаверади. Диалектик материализмнинг методологик нуқтаи назардан иқтисодиёт ва педагогика назарияси ҳамда амалиёти инсон онгидек мураккабликни ўрганишда объектив алоқаларни очишга йўналтирилганлиги, далилларнинг мустаҳкам қурилмасига асосланганлиги билан ажралиб туради.

Ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган узлуксиз таълимнинг ягона тизими, умумтаълимий тайёргарликни пойдевор сифатида қараш, ўқувчи ёшлар меҳнат тайёргарлигининг узлуксиз таълимдаги аҳамияти, шахс баркамоллиги, мустақил ижодий фаолият кўрсата олишда узлуксиз таълим, турли фаолиятлардан восита сифатида фойдаланиш, иқтисодий муносабатларга жалб этиш каби илмий қарашлар тизими асос қилинди.

Концепция илмийлик, узлуксизлик, изчиллик ва мувофиқлик тамойилларига асосланиб, бирбирини тўлдириши, шу билан бирга ҳар бир босқич мустақил мақсад-вазифаларга, ташкилий шакл, восита, усул, методикасига ҳам эга бўлмоғи зарур.

КОНЦЕПЦИЯНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбияни таъминловчи босқичли таълим концепциясининг асосий мақсади шахснинг камол топишида фаолият воситасида аниқ иқтисодга боғлиқ назарий билимлар тизимини, шунингдек иқтисодий билим, қуникма, малакалар йиғиндиси, ўрганувчининг иқтисодий онгига бевосита таъсир этишга имкон берувчи босқичларни амалга оширишдир. Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепциясини босқичма-босқич амалга ошириш йўналишларини ишлаб чиқишда мамлакатимиздаги барча давлат ва бошқарув органлари қатнашиши кўзда тутилган. Шу билан бирга ҳар бир шахс мустақил фаолиятида ҳаётга татбиқ этиб, камолатга интилиши мўлжалланган. Таклиф қилинаётган босқичларнинг биринчиси ва охиргиси қолган барча босқичларда бевосита иштирок этади. Чунки индивиднинг пайдо бўлишидан шахс сифатида камол топишида иқтисодий такомил узлуксиз давом этади. Бу оила иштироки ва илмий изланишлар натижасидан фойдаланишда акс этади.

Ижтимоий талабдан келиб чиқиб, илмий фалсафий тизимлар назариясига буйсунган ҳолда ишлаб чиқилган «Узбекистон Республикасида узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепциясини амалга ошириш модели» қуйидагича тасвирланади (Чизма қаранг).

* * *

Концепция моделидаги таркибий қисмлардан кўриниб турибдики, узлуксизликни таъминлашда давлат бошқарув органлари ва барча ижтимоий институтлар баробар иштирок этадилар. Давлат бошқарув органлари ва барча ижтимоий институтлар ўзларига тегишли бўлган босқич учун ўз имкониятлари даражасида аввалги ва кейинги босқичлар билан боғланган ҳолда иқтисодий таълим-тарбия комплексини ишлаб чиқишлари кўзда тутилади.

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия концепциясининг амалдаги муваффақияти қуйидаги вазифаларнинг бажарилишига боғлиқ:

1. Иқтисодий таълимнинг узлуксизлигини таъминловчи бир бутунликни ҳосил этиш учун ҳар бир босқичнинг ўзига хослигини ўрганиш.

2. Ҳар бир босқичнинг мустақил мақсад-вазифалари, ташкилий шакл, восита, усул-методикаларини ишлаб чиқиш.

3. Босқичлар орасидаги кўприк вазифасини бажарувчи шахснинг иқтисодий маданиятлилик даражасини кўрсатувчи таълим-тарбиявий тадбирлар мажмуининг хусусияти, имкониятларини аниқлаш.

4. «Лобиринтлар тизими» илмий методик лойиҳани амалга оширишдаги моддий таъминот.

I босқич

ОИЛА ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

Оила босқичини жуда кенг ва чуқур маънода англаб, индивиднинг дунёга келишидан то ижодкор шахс даражасигача шаклланиш даврини ҳисобга олиш зарур. Шу боис оила иқтисодий таълим-тарбиянинг ҳар бир босқичида фаол иштирок этиши кўзда тутилади. Оиланинг иқтисодий таълим-тарбияда қатнашиш даражаси эса ҳар бир босқич мақсад ва вазифасидан келиб чиқиб аниқланади ва шу вазифаларга мос илмий, методик материаллар ишлаб чиқилади. Мактабдан ташқари таълим муассасалари ўз вазифа ва хусусиятларига мос равишда иқтисодий таълим-тарбия тадбирлари комплексини жорий этадилар.

II босқич

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Болаларни иқтисодий билим, қуникма ва малакаларни эгаллашга тайёрлаш. Бунинг учун мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга имкон берувчи турли вазиятларни ишлаб чиқиш; бу вазиятларнинг ечиш вариантларини амалга оширишга шароит яратиш; иқтисодий билимларни эгаллашга замин бўлувчи мантиқий, математик фикрлашларини ривожлантирувчи ўйинлар комплексини амалга ошириш зарур.

Иккинчи босқични ҳаётга тадбиқ этиш йўналишлари:

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг иқтисодий саводхонлик даражаси мезонларини ишлаб чиқиш. Шунга кўра дастур бўлимларини интеграция қилиш: «Математика — иқтисод-меҳнат», «Тарбия-иқтисод, «Маънавият-иқтисод», «Хорижий тиллар — иқтисод» кабилар.

2. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун «Ўйинлар лобиринти» тизимини ишлаб чиқиш ва амалда синаш.

3. «Табиатдаги таълим» комплекси дастурини яратиш. Бу комплекс дастурида мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бевосита табиатда ўйин тарзида табиий бойлик, неъматларнинг иқтисодий аҳамиятини кўрсатувчи таълимий, табиат қўйнидаги соғломлаштириш каби тадбирлар акс этади. Бунда хорижий тиллардан рус ва инглиз тилларини ўрганишда иқтисодий тушунча ва сўзларни ишлатишга алоҳида эътибор бериш зарур.

III босқич

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ

Бошланғич иқтисодий билимларни фаол таълим методлари ва меҳнат фаолиятида қуникма, малакага айлантириш, ўқувчиларда (6—10 ёшли) бошланғич иқтисодий саводхонликни шакллантириш.

Учинчи босқични ҳаётга татбиқ этиш йўналишлари:

1. Бошланғич синф ўқувчиларининг иқтисодий саводхонлик даражаси мезонларини ишлаб чиқиш.

2. «Иқтисод алифбоси» интеграция қилинган махсус фан дастури, методик қўлланма, йўлланма, тавсиялар ишлаб чиқиш. «Иқтисод алифбоси», 1—4-синфлар учун дарсликлар яратиш.

3. Бошланғич таълим тизимида интеграция қилинган «Иқтисод алифбоси» дарслари биринчи бор ўқитилишини инобатга олиб илмий, услубий ўрганиш ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш.

4. «Лобиринтлар тизими»ни амалга оширишда бошланғич синф ўқувчилари иқтисодий билим савиясига кўра топшириқлар ишлаб чиқиш.

IV босқич

АСОСИЙ МАКТАБ ТАЪЛИМИ

(Тўлиқсиз ўрта таълим)

Бу босқичда ўқувчиларнинг иқтисодий билимлар ва тарбияланганлик даражалари доимий ўрганиб борилади. Узлаштирилаётган иқтисод бораси-даги билимлар, қуникма, малака, амалий натижалар, ўйин меҳнат фаолиятида қай даражада самара бераётгани атрофлича таҳлил этилиб, ўқувчининг истак ва қобилиятига кўра маълум йўналишга қаратилади. Фанлараро, фан мазмунидаги ўзаро боғланш, ижтимоий фойдали, ишлаб чиқариш меҳнатларига бевосита ёки билвосита жалб этишга алоҳида эътибор берилади.

Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятида аниқ иқтисодий билимлар амалий ижросини топишига кумаклашиш, бозор иқтисодиёти даврида мустақил ҳаётини таъминловчи соҳалар, касблар, мутахассисликларда иқтисодий-назарий ва амалий билимларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича тушунча бериш кўзда тутилади.

Мактаб битирувчисининг ўзлаштираётган аниқ иқтисодий тушунчаларининг назарий ва амалий аҳамиятини таҳлил этиб, англашга имкон бериш ҳамда мустақил фаолият кўрсатиш учун зарурий иқтисодий тайёргарликнинг бошланғич босқичини амалга ошириш керак бўлади.

Тўртинчи босқични ҳаётга татбиқ этиш йўналишлари:

1. 5—9-синф ўқувчиларининг иқтисодий саводхонлик даражаси мезонларини ишлаб чиқиш.

2. 5—8-синф ўқувчилари учун «Иқтисод сабоқлари» рукнидаги дастурлар, дарсликлар, қўлланмалар, йўлланмалар, методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

3. 9-синф ўқувчилари учун «Иқтисодий билим асослари» фани дастури, дарслик, қўлланма, йўлланма, методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

4. «Иқтисод сабоқлари» рукнидаги ва «Иқтисодий билим асослари» дарслари биринчи бор ўқитилишини инобатга олиб, илмий ва услубий ўрганиш, тажрибаларни йўлга қўйиш ҳамда ўқитиш методикасини такомиллаштириш.

5. «Лобиринтлар тизими»ни 5—9-синф ўқувчиларининг иқтисодий саводхонлигини аниқлашга қаратилган топшириқлардан иборат қилиб ишлаб чиқиш.

V босқич

ЎРТА ВА ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ

Бу босқичда ўқувчилар ўзлари танлаган соҳалар, касблар, мутахассисликларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда фаолият самарасини оширишга қаратилган аниқ иқтисодий-назарий ва амалий билимлар йиғиндисини ҳаётий ўзлаштиришга қаратилади. Фойдали меҳнатдан манфаат кўриш йўл-йўриқлари, иқтисодий муносабатлар қоидалари, бошқарув усуллари каби муаммоларни аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда уларга англатилади.

Бешинчи босқичнинг ўзига хослиги шундаки, умумтаълим мактабларида иқтисод фанини юқори синфлар йўналишига кўра мослаштирилади. Ҳунар-техника билим юртларида эса танланган касб иқтисоди ўргатилади.

Бешинчи босқични ҳаётга татбиқ этиш йўналишлари:

1. Умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг иқтисодий саводхонлик даражаси мезонларини яратиш. Мезонларни яратишда касбдан фойдаланувчи халқ хўжалигига тегишли тармоқларнинг талаблари ҳисобга олинади.

2. 10—11-синф ўқувчилари учун «Иқтисодий билим асослари», ҳунармандлар учун «Касб иқтисоди асослари» фанининг дастури, дарслик, қўлланма, йўлланма, методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

3. «Иқтисодий билим асослари» ҳамда «Касб иқтисоди асослари» фанларининг ўқитилишини илмий, услубий ўрганиш ва ўқитиш методикасини такомиллаштириш.

VI босқич

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

Олий ва ўрта махсус таълим тизимида иқтисодий билимлар бериш танланган тармоқ бўйича ишлаб чиқаришга боғланган ҳолда амалга оширилади. Бу босқичда, тайёрланаётган мутахассисликлар замон талабига жавоб берадиган даражада билим эгаллашлари лозим. Умумиқтисодий билимларни ўрганиш билан бир қаторда махсус иқтисодни мукаммал ўзлаштиришлари талаб этилади.

Олтинчи босқични ҳаётга тадбиқ этиш йўналишлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

VII босқич

ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИ

Мамлакатимиз истиқболи моддий ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётимиздаги эришилаётган ютуқлар билан ўлчанади. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётимиздаги ютуқлар эса барча тармоқ, соҳа ва йўналишларга хос иқтисодий муаммоларнинг ижобий ҳал этилишини талаб этади. Шунинг учун кадрларнинг иқтисод юритиш маданиятини ривожланган мамлакатлар талаби даражасига етказиш бу босқичнинг асосий мақсадидир. Бу ўринда умумий ва махсус иқтисоддан ташқари тегишли тармоқлардаги амалий иқтисодиётга катта ўрин бериш тавсия этилади.

Еттинчи босқични ҳаётга татбиқ этиш йўналишлари вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн, корпорациялар, банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

VIII босқич

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, ТАРМОҚ АКАДЕМИЯЛАРИ, ИЛМИЙ МАРКАЗЛАР

Узлуксиз иқтисодий таълим-тарбия оила босқичидан тортиб, то академия даражасигача бўлган жараёнларни илмий ҳамда методик йўналишларда ўрганиш, ижодий изланишлар олиб бориш, назарий янгиликлар яратишни талаб этади.

Илмий, назарий изланишларнинг ҳаётийлигини таъминловчи йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш ва бу борада тегишли тавсиялар тақдим этиш лозим.

Саккизинчи босқични ҳаётга татбиқ этиш йўналишлари Узбекистон Республикаси Фанлар академияси, тармоқ академиялари, илмий марказлар томонидан ишлаб чиқилади.

Мустақил Узбекистондаги иқтисодий ўзгаришлар жараёни ёшларнинг мустақил фаолият кўрсатишларида ижодкорлик ва самарадорликни оширишга имкон берувчи иқтисодий билим, қуникма, малакаларга эга бўлишларини тақозо этади. Бу мураккаб муаммони ҳал этиш ижтимоий заруратга айланганлиги тасодифий ҳол эмас. Буни ҳаёт тасдиқлаётир. Шу боис уни бутун бир тизим сифатида илмий ўрганиш давр талабидир.

Шунинг учун иқтисодий таълим-тарбия тизимини мустақил давлат мавқеида ўз истиқлол йўлини танлаб, уни оғишмай амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий буюртмаси деб қараш лозим. Ижтимоий буюртмани бажариш эса таълим-тарбия соҳасининг барча ходимларига масъулиятли вазифалар юклайди. Иқтисодий тарбияланганлик даражасини маълум мезонда, яъни Узбекистон иқтисодий сиёсатини англаш ва иқтисодий фаолиятга тайёрлаш, шунингдек, шахс шаклланишидаги жаҳон талаб этаётган иқтисодий маданиятлилик даражасини таркиб топтириш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий таълим-тарбия муаммоси яхлит тизим сифатида ўрганилса, унга боғлиқ масалаларни ҳал этишдаги изчиллик, изланишлар аниқ йўналишда давом этади.

Иқтисодий таълим-тарбия концепциясини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида кишиларимизнинг иқтисодий маданиятини ошириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш ва мамлакатимизнинг буюк келажагини таъминлашга кумаклашишдир.

Мазкур лойиҳа бўйича фикр-мулоҳазаларингизни Республика Таълим марказининг «Иқтисодий таълим» бўлимига йўллашингизни илтимос қиламиз.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, 700027, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй.

ШАХСНИНГ ИҚТИСОД ФАНИНИ (ИЛМИНИ) МУСТАҲКАМ ЎРГАНИБ КАМОЛОТГА ИНТИЛИШИ



УЗЛУКСИЗ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДИК ТАЪМИНОТИ

Иқтисодий таълим-тарбияни таъминловчи давлат бошқарув органлари:

1. Халқ таълими вазирлиги.

2. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

3. Вазирлар Маҳкамаси қошидаги алоҳида тармоқлар вазирликлари, Давлат қўмиталари, концерн, корпорациялар, банклар.

4. Ўзбекистон Фанлар академияси, тармоқ академиялари ва илмий марказлар.

5. Маҳалла, туман, шаҳар, вилоятлар ҳокимиятлари.

*** Оила иқтисодий таълим-тарбия муаммосининг барча босқичларида қатнашиши кўзда тутилади.**

*** Иқтисодий таълим-тарбия муаммосининг илмий ўрганилиши барча босқичларга тааллуқли.**

I, II, III, IV ва V босқичларни Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилишини таъминловчи ва шу босқичдаги кенг қамровли ишларни мувофиқлаштирувчи ташкилот (республика Иқтисодий таълим маркази) тузиш тавсия этилади.

Соғлом авлод учун

МЕҲРДАН БАҲРА ОЛИБ...

Термиз шаҳридаги санаторий типидаги 9-болалар боғчаси 120 нафар қичкинтой сариқ касаллигидан сўнг муолажалар олиб, тарбияланишларига мўлжалланган. Бу ерда уларнинг даволанишлари, тарбияланишлари учун қулай шарт-шароитлар муҳайё.

Санаторий кичкинтойларга она-Ватанимиз рамзлари, Президентимиз бошчилигида ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар, миллий ўзлигимиздан ҳикоя қилувчи бурчаклар, ўйинлар, турли воситалар орқали сингдирилаётган ватанпарварлик, миллийлик, инсонийлик, халқпарварлик, иқтисодий ислоҳотлар ибтидоий тушунчаси, дўстлик ғоялари билан йўғрилганини кўриб қувонади киши.

Мусиқа залига киришда атласга ишланган республикамиз ҳаёти акс эттирилган расмлар, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига, Алишер Навоийга, она тилимизга бағишланган кўргазмалар, боғча Устави акс этган. Гуруҳларнинг тоза, озода, салқин ва шинам дам олиш, ўйнаш, машғулот ўтказиш хоналари диққатингизни тортади. Шу билан бирга боғча қошида ташкил этилган халқ амалий санъати музейида каштачилик, чеварлик, ўймакорлик, чеканка, кулолчилик, ганчкорлик намуналари қўйилган. Кўргазмалар қаторидан ота-боболаримиз севиб кийган сурхондарёликлар қадимий кийим-кечаклари намуналари ҳам ўрин олган. Музей қошида тикиш-бичиш, каштачилик, расмчилик тўгараклари фаолият юритиб болаларга миллий санъатимиз сирлари ўргатилаётганлиги ҳам эътиборга молик.

Бу жажжилар масканида «Соғлом авлод учун» режаси бўйича ҳам талайгина юмушлар амалга оширилаётир. Ҳар бир хонага илинган, дорихона, щифохона бурчакларида фарзандлар «дўхтир-дўхтир» ўйнашлари учун зарур ашёлар қўйилган. Махсус даволаш хонасида УВЧ кварц аппаратлари ўрнатилган. Ҳаким бошчилигида кичкинтойлар соғлиги доимий назоратдан ўтказилиб турилади. Бу ердан ташқари дўкон, сартарошхона, мусиқахона, кутубхона, қўғирчоқ театри, тикиш-бичиш, спорт, расмхона бурчакларида касб-корнинг дастлабки тушунчалари сингдирилади.

Хуллас, кичик ёшдаги болалар саломатликларини тиклашлари ҳамда уларнинг баркамол ўсишлари учун санаторий типидаги бу жажжилар масканида олиб борилаётган ишлар, тарбиявий тадбирлар ниҳоятда кенг қамровлилиги билан эътиборга моликдир.

Н. ТЎРАЕВ.

Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Сунбула — қадим тақвимда муҳим ўрин тутадиган ойлардан бири саналади. Ҳар биримиз учун нондек азиз ва сувдек мўътабар бўлган республикамизнинг мустақиллиги ҳам бундан беш йил муқаддам, айнан шу сунбуланинг еттинчи кунида эълон қилинган эди. Тарих учун беш йиллик муддат киприк қоққанчалик оний лаҳза ҳисобланса-да, ёғийнинг зулми остида юз эллик йилча инграб ётган қадим Туронзамин бу пайтда ун йилларга татигулик йўлни босиб ўтди.

Узбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўтган бор-йўғи дастлабки минг кунлик фурсат ичида мамлакатимизнинг давлат байроғи (туғи) ва герби (тўғроси) тасдиқланди, унинг мадҳияси (гимни) ва Асосий Қонуни (Конституцияси) қабул қилинди. Ёш республика Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Ниҳоят, давлатимизнинг миллий валютаси — сўм жорий этилдики, бу иқтисодий ислоҳотларни авж олдиришда, мамлакатимизда бозор муносабатларини қарор топтиришда муҳим ўрин тутадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Истиқлол ва мустақилликнинг фараҳбахш эпкинларидан масрур бўлган шу лаҳзаларда хаёл кишини мозийга етаклайди. Асримиз бошларидаги Туркистонни, жадид мунавварлари ва истиқлол курашчиларининг юрт озодлиги ва мустақиллиги йўлида олиб борган курашларини, бир сўз билан айтганда, бугунги истиқлолимиз сарчашмаларини хотирлар экамиз, мустақиллик бизга осонга тушмаганини, бунинг учун ёвқур боболаримиз тенгсиз курашларда жон олиб, жон берганликларини дилдан англаш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Маълумки, 1920 йил сунбула ойида Турон халқининг сўнгги миллий давлати — Бухоро амирлиги қизил аскарлар томонидан агдариб ташланган эди. Ушанда Бухоро амирлиги интиҳосига етган кун — 1 сентябрь орадан 71 йил ўтгач, айнан Узбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинадиган кун бўлишини, Узбекистоннинг жаҳон майдонига чиқишдек асрий орзуси ушаладиган, аниқроғи, такрор тикланадиган табаррук фурсатнинг ибтидоси эканлигини, менимча, ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. «Бухоро инқилоби» ғалаба қилган кунларда Бокуда Шарқ халқларининг қурултойи бўлади. Боқудаги ушбу қурултойда Турор Рисқулов, Мунаввар Қори, Салимхон Тиллахонов, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Обиджон Маҳмудов, Тўрақул Жонузоқов, Зайниддин Қори Насриддинов, Ҳожи Сафо Жўрабоев каби туркистонлик миллат фидойилари қатнашишади. Қурултой ишида Туркиядан келган Анвар Пошшо (уни Москвадан шахсан Лениннинг ўзи юборган эди) ҳам иштирок этди ва катта нутқ сўзлайди. Қурултой фаолиятига раҳбарлик қилган Коминтерн раиси Р. Е. Зиновьев бўлса Бошқирдистон миллий ҳукуматининг собиқ раиси, машҳур жадид мунаввари ва муборизи Аҳмад Закий Валидийга бу анжуманга қатнашиш учун рухсат бермайди. Ушбу анжумандан сўнг туркистонлик 40 та мусулмон делегатлари ўзаро кенгаш чақиришади. Ушбу қурултой ва кенгашда туркистонлик вакиллар Совет ҳокимияти фаолиятидан норози эканликларини баён қиладилар. Улар «Туркистондаги Совет ҳокимиятига қарши тарғибот» ишларини авж олдиришга ва «Октябрь инқилобининг 3 йиллиги кунида умумхалқ ғўзғолони кўтаришга» чақирдилар **(ЦГАСА, 278-фонд, 4-рўйхат, 94-иш, 5-6-варақлар).**

1920 йил декабрида Бухорога келган таниқли мунаввар Аҳмад Закий Валидий Бухоро, Хоразм, Туркистондаги бутун истиқлолчилик гуруҳларига сиёсий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи бир марказ тузиш учун тинимсиз фаолият кўрсатди. У Бухоро ҳукуматининг раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжаев, Абдуқодир Муҳиддинов билан ўз режаларини маслаҳатлашади. Бухоро шаҳрида 1921 йил 23 декабрда туркиялик Анвар Пошшо билан учрашади. Валидий кейинчалик ўзининг «Хотиралар» китобида ёзишича, 1921 йил 2-5 августда Бухорода бўлган Миллий Бирлик Конгрессида (Москва конгрессидан кейинги 5-конгресс) «Урта Осиё Мусулмон Миллий Жумҳуриятлари Федерацияси» — кейинчалик «Туркистон миллий бирлиги» номи билан машҳур уюшма тузилади. Миллий Бирликнинг Дастури Валидий раҳбарлигида 1921 йилнинг бошларидаёқ ишлаб чиқилган эди.

Фарғона водийсидаги миллий-озодлик ҳаракатини ғоявий жиҳатдан бирлаштиришда машҳур қиргиз миллатпарвари, асли еттисувлик Т. Рисқуловнинг ҳамюрти ва маслакдоши бўлган Туркистон МИКнинг собиқ аъзоси Тўрақул Жонузоқов муҳим роль ўйнади. Самарқанд конгрессидан кейин яна Фарғона водийсидаги қўрбошилар орасига жунаган Тўрақул Жонузоқов (таҳаллуси Канаев) истиқлолчилик ҳаракатига **«ғоявий тус бера олди, Қизил Армия жангчилари ва маҳаллий аҳоли ўртасида мурожаат йўли билан қучайтирилган ташвиқот олиб бориб, бор кучи билан босмачилар (истиқлолчилар — К. Р.) сафига рус офицерларини ҳамкорлик учун жалб эта билди»**. Хусусан, Шермуҳаммадбек қарорғоҳида ва Андижон уездидаги Исроил қўрбоши ҳузурида бўлган Тўрақул Жонузоқов уларга улкан ҳажмдаги ташкилий ишларни йўлга қўйишда катта ёрдам берди. Т. Жонузоқов **«1921 йилнинг охирида тўқнашувларнинг бирида ҳалок бўлди.»** У Фарғонадаги истиқлолчиларнинг етакчи мафкурачиларидан бири ҳам эди.

Туркистон Миллат мажлисининг аъзоси муфтий Садриддинхон афанди ҳам Фарғона водийсидаги қўрбошилар ўртасида жуда катта ғоявий ташвиқот ишларини олиб борди. Унинг тўлиқ исми-шарифи Садриддинхон Махсум Шарифхўжа қози бўлиб, асли тошкентлик ўзбеклардан саналган ва Туркистон Миллий Бирлиги уюшмасининг Тошкент Комитети раиси ҳисобланган. У уюшманинг қарорига кўра Фарғона қўрбошилари орасига юборилади. Ашт туманидаги Раҳмонқул гуруҳининг сиёсий раҳнамоси бўлган Садриддин Махсум истиқлолчилар ўртасида мустақиллик руҳини кўтарди, қўрбошиларни Туркистондаги мавжуд аҳвол билан таништиради.

Туркистондаги жадидлар ва Туркиядан келган афандилар ҳам истиқлолчилик ҳаракатини ташкил қилиш ва уюштиришда, унинг ғоявий йўналиши ва мақсадини белгилашда муҳим роль ўйнашди.

Туркистон Республикаси ва Бухоро Халқ Жумҳуриятидаги жадидларнинг бир қисми бу пайтда совет ташкилотларида фаолият кўрсатишса-да, миллий мустақиллик тўғрисидаги ўз ғояларидан воз кечишмаган эди.

Бу даврда ташкил топган «Миллий иттиҳод» ва «Миллий истиқлол» фирқалари истиқлолчилик ҳаракатининг кейинги ривожланишида катта ўрин тутади. «Миллий иттиҳод» фирқаси 1920 йил охиридаёқ Файзулла Хўжаев бошчилигида Бухорода ташкил топади. Тошкентда бўлса Акмал Икромов 1992 йилда махфий иш олиб борувчи «Миллий истиқлол» фирқасини тузади. «Миллий истиқлол» ва «Миллий иттиҳод» фирқалари биргаликда яширин равишда истиқлолчиларни қўллаб-қувватлашади. Демак, истиқлолчилик ҳаракати ўша 1919-1922 йиллардаёқ **«Миллий истиқлол»** ғоялари билан маълум даражада қуролланган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлолчилик ҳаракатига ғоявий раҳнамолик қилиш борасида жадидлар билан **«уламо»**чилар ўртасида ўзаро рақобат мавжуд эди. Истиқлолчиларнинг йўлбошчиларига дастлабки пайтларда жадид мунаввларининг таъсири кучли бўлса, кураш жараёнида устунлик уламочилар қўлига ўтди. Буни мужоҳид раҳбарларининг **«жиҳод ва ғазот»** ҳақидаги ишораларидан ҳам билиб олса бўлади. Натижада, миллий-озодлик ҳаракатининг характери мутаасиб руҳонийларнинг амаллари оқибатида қўпгина ҳолларда ислом ғоялари билан чекланиб қолди. Истиқлолчилик ҳаракатининг бош мақсади — бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги ғояси ўзгармаган бўлса-да, кураш жараёнида бундай ҳолатларнинг намоён бўлиши ҳаракатнинг янада кучайишига тўсқинлик қилди.

Большевик сиёсатининг макр-ҳийлаларига алданган ва ўз жонини омон сақлашни ўйлаган қўплаб уламолар: мулла ва эшонлар Совет ҳокимияти томонига ўтишди. Масалан, Ҳожимат Эшон авваллари Фарғонадаги қўрбошиларнинг ғоявий раҳнамоларидан бири ҳисобланарди. Унинг нуфузи ва обрўси қўрбошилар ўртасида, хусусан, Мадаминбек урдусида баланд эди. Асли Андижоннинг Балиқчисидан бўлган Ҳожимат Эшоннинг 12 нафар ўғли бўлган. У 1919 йилнинг 19 декабрида Мадаминбекнинг қарорғоҳи жойлашган Қоратерак қишлоғига бориб, уни Совет ҳокимияти томонига ўтишга ташвиқ қилади. Ҳожимат Эшон бу билан чегараланиб қолмай, истиқлолчиларни қуролни ташлашга даъват этади.

Фарғона вилоятидаги «Уламочи эшон ва қозилар»нинг анжумани 1921 йилнинг охирида Наманган шаҳрида ўтказилди. Анжуман қатнашчилари бўлган «обрўли эшон» ва «уламо»чилар аҳолини босмачиликка (истиқлолчиликка — Қ. Р.) қарши курашга даъват қилиб, Совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлаб, унга ёрдам беришга чақиришди» (Узбекистон МДА, 17-фонд, 1-рўйхат, 314-«б» иш, 2-жилд, 273-варақ). Фарғона вилояти ревкомининг эътирофича ва 1922 йил июлда бўлган пленумларнинг бирида Туркистон МИК раиси А. Раҳимбоев қилган маърузага кўра, «жойларда уламочилар катта фаоллик кўрсатишмоқда ва Совет ҳокимияти учун ташвиқот юргизишмоқда». Қўплаб муридлари бўлган муқаддас руҳоний Ҳожимат Эшоннинг омма кўз ўнгида Советлар томонига ўтиши, уламо ва эшонлар анжумани, кейин эса Фарғона руҳонийларининг мурожаат ва чақириқлари қўрбошиларнинг руҳий бирдамлиги ва ғоявий жипслигига катта зарар етказди. Чунки, севимли ёзувчимиз А. Қодирий ёзганидек, истиқлолчилик ҳаракатида «энг зўр роль ўйнаган шу уламолар бўлишди».

Натижада, энг обрўли Ҳожимат Эшон Наманган уездида қўрбоши Омон Полвон томонидан ўлдирилди. Большевиклар ҳукумати «босмачи»ларнинг бу қилмишидан жуда усталик билан фойдаланишди. Расмий ҳужжатларда келтирилишича, «мачитларда марҳум хотирасига бағишлаб тантанали митинглар ўтказилди». Бошқа бир ҳужжатда ёзилишича, «Андижон уездида 1922 йил 20 январда бўлган Ҳожимат Эшоннинг дафн маросимида 15.000 дан ортиқ киши қатнашди. Марҳум жасади олдида аҳоли ўртасида маълум салмоққа эга бўлган қаландар ва маддоҳлар диний маросимларни бажо келтиришди».

Шу билан бирга дин арбоблари ўртасида курашни охирги нафасигача олиб борган кишилар ҳам талайгина топилади. Фарғона мужоҳидлари ўртасида катта нуфузга эга Авлиёхўжа Эшон асли Ўратепалик бўлиб, Матчо беклигининг Андалиғ қишлоғида эди. Шаҳобиддин Яссавийнинг ёзишича, Авлиёхўжа Эшон ва унинг Эшонхон, Аҳмадхон, Аҳрорхон ва Асрорхон қўрбошилар каби 4 ўғли Ўратепани 1916-1923 йилларда душмандан ҳимоя қилиб ўз қўлларида омон сақлаганлар.

Уш уездидаги истиқлолчиларнинг ғоявий мафкурачиси эса Мулла Файзи Охун Домулла ҳамда Холхўжа Эшонлар бўлишган. Туркистон МИК раиси И. Ҳидиралиевнинг ёзишича, Мулла Файзи Охун Домулла бутун шаҳарликларни Сафонов отрядига қарши муқаддас курашга чорлайди.

Истиқлолчилик ҳаракатига раҳбарлик қилган ислом уламолари орасида нақшбандийлик ва яссавийлик тариқатининг пирлари кўп бўлишган. Хорижлик тарихчи Мэри Броксапнинг ёзишича, Фарғонадаги энг қаҳри қаттиқ ва ёвуз қўрбоши Холхўжа Эшон яссавийлик тариқатининг вакили бўлган. Ислом Паҳлавон ва Мулла Деҳқон қўрбошилар ҳам тасаввуф шайхлари бўлишган.

Туркистонда 30-йилларнинг ўртасига қадар давом этган истиқлолчилик ҳаракати даврида мавжуд (совет) тузумга мухолиф бўлган миллат фидойиларининг аксарият қисми тенгсиз курашлардан сўнг қўшни мусулмон давлатларига муҳожир бўлиб жунаб кетишга мажбур бўладилар...

Лекин бугунги мустақиллик кунларида эндигина беш ёшга тўлган Узбекистон истиқлоли қаҳр ва фахр билан сўзлар эканмиз, байрам кунларида республикамиз шаҳар ва қишлоқларидаги бош майдонларни тўлдирган бахтиёр чеҳраларга боқар эканмиз, бу кунларга етказганлиги учун Яратганнинг ўзига имон келтирамиз. Турмушимиз иқтисодий жиҳатдан энди қўтарилаётган бўлса-да, юртимиз тинч, чегарамизда осойишталик...

Сунбуланинг ўша қутлуғ кунида, табаррук еттинчи саҳарида эрта тонгда уйғониб, байрам қўринишлари билан мўзайян юртим жамоларига боқар эканман, менга манзур халқим шоирининг ушбу сатрларини ҳайқириб айттим келади:

Фалак виждон каби тозадир шу пайт,
Шоир хаёлидай кенгаймиш очун —
Ҳозир сен дунёга бор гапингни айт,
Сўзла, юрагингни лангу-ланг очиб.
Гапир, дунё сенга қилгай эътибор,
У холис шу дамда, бир худо янглиг —
Ҳозир бир лаҳзалик марҳамати бор,
Ҳозир шавкати бор унинг бир тонглик.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари номзоди.

11-СИНФДА ЎҚИЙДИГАН 14 ЁШЛИ ҚИЗ

Менинг мамлакатимни юздан ортиқ давлатлар эътироф этди. Қўплаб қўшма корхоналарнинг очилгани ва очилаётгани бунинг ёрқин далилидир. Улар фақаттина четдан маҳсулот олиб келиш билан чекланиб қолмай, бевосита ишлаб чиқариш билан ҳам шуғулланишяпти. Бироқ менинг баъзи дугоналарим чет элга бориб қайтишгач, уларнинг дукону бозорларини хўп мақташади-да, ўша ердаги тенгдошларимиз ҳаётини сўрасангиз, ломмим дейишолмайди. Мен улар қатори хурсанд бўлиш билан бирга, яқин орада бизда ҳам ўшандай мўл-кўлчилик бўлишига ишонтиришга қаракат қиламан. Лекин, асосийси, бунда эмас. Муҳими, республикамиз сиёсий барқарорлик туфайли дунё ҳамжамиятида собит ўрин эгалламоқда.

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги билан қўшилиб кетди. Фикримча, Президентимизнинг давлат қурилиши муаммоларини ҳал этишда тутган йўли ўша буюк бобомиз орзу қилган, ният қилган орзуларга ҳамоҳангдир. Темур айтадики, ҳокимият халққа суянмоғи лозим. Жамиятда қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши лозим. Соҳибқиронинг ушбу васиятлари юртимиз тараққиёти учун бир маёқ бўлиб хизмат қилянти. Маёқ бор жойда йўлдан адашилмайди.

Жаҳон АБДУРАСУЛОВА,
Тошкентдаги 41-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

(Боши 1-бетда)

эдим, бироқ бу сана, бутун умр ёдимда муҳрланиб қолди. Ўша куни радио, телевидение, газета, одамлар — барча Ватанимизнинг Мустақилликка эришганлиги тўғрисида гапирарди. Гарчи бу сўзнинг моҳиятини тўла англаб етмаган бўлсам-да, шу куни юртимизга, элимизга нисбатан ифтихор, ғурур туйғуси билан мактабга бордим.

Орадан беш йил ўтди. Бу вақт ичида ҳаётимизда ҳам, тафаккуримизда ҳам кескин ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик моҳияти бугунги кунда бизнинг кундалик турмушимизда, ишларимизда ҳамда фазилатларимизда акс этиб турибди.

Эришилган ютуқлар юртбошимизнинг ўзбек халқи қўп нарсага қодир, ўз меҳнати, ўз кучи билан келажаги буюк демократик давлат қуражаги тўғрисидаги ишонч тўла сўзларини батамом тасдиқлади. Мамлакатимизда автомобиль саноатини ривожлантиришга ургу берилиши саноатнинг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантиришнинг дебочаси бўлди.

Юртбошимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам муҳим ютуқларни қўлга киритди. Бунинг тасдиғи сифатида фермер хўжаликларининг тузилиши, ерни унинг ҳақиқий эгаси — деҳқонларга берилишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Қишлоқ ҳаётининг ижтимоий томонларини яхшилаш борасида давлат эътибори сезиларли бўлмоқда. Қишлоқлар батамом газлаштирилди, тоза ичимлик суви кириб келди.

Ангрендаги «Қалдирғоч» 23-болалар боғчаси тилга тушган масканлардан ҳисобланади. Алалхусус, ўз фарзандларини ана шу боғча қарамоғига беришни истовчи ота-оналар бу ерда кўпчиликни ташкил этади. Боғча болаларга яратиб берилган кўнгилли шароитлари туфайли ҳам эл орасида эътибор қозонган. Айни пайтда, бу даргоҳда 110 нафар жажжилар тарбия олишмоқда. Суратда кўриб турганингиз, тарбиячи Ойгул Худойбекова ҳам болалар жуда ҳурмат қиладиган «боғча опа»лардан биридир.

Д. Аҳмад олган сурат.

ТЕСТ МАРКАЗИДАН РЕПОРТАЖ

(Боши 1-бетда)

йўғи уч вариантда эди. Бу йил эса кўп вариант қўлланди. Шунингдек, ўтган йил сабоқлари сабаб булиб, нашриёт иши тартибга солинди. Аввало бунда ишлаган йигитлар бир ой давомида ташқарига чиқишгани йўқ. Ичкарида шароит яратилган. Овқат олиб келишганда, Муҳсин аканинг ўзи эшикни ташқаридан очади (ичкаридан очишнинг имкони йўқ). Буларнинг барчасини тасдиқлайдиган яна бир аше бор. Мазкур нашриётда тест китобчалари неча кун нашр этилган бўлса, ҳар бир дақиқа видеолентага туширилган. Аниқроғи, нашриёт хонасининг тўрт томонида тўрт видеокамера доим ишлаб (бу жараён директор хонасидаги телевизорлар орқали кўриниб) турган ва шу билан бирга ёзиб ҳам олинган. Уларнинг барчаси сақланмоқда.

Тест синовларидан сўнг жавоб варақалари билан ишлаш ҳам худди шу зайлда олиб борилган. Ҳар бир дақиқа видеолентада бор. Муҳсин аканинг айтишича, йигитлар кечаю кундуз тинимсиз ишлашган ва жавобларни 6 августдаёқ Давлат комиссиясига топширишган. Ҳар бир абитуриентнинг бали ҳисобланган варақасида куни, соати, дақиқаси, ҳатто сонияси ҳам ёзилган.

Биз борган пайтимизда сиртқи бўлимлар учун топширилган (10 августда) тестларнинг баллари ҳисобланаётган экан. Ҳақиқий репортаж ёзиш учун бу жараённи кўришимиз лозим эди. Директорнинг хонасидаги телевизорлар ҳаммасини кўрсатаётган бўлсада, бевосита кўз билан кўрганга не етсин. Илтимосимизга кўра, Тест маркази директорининг ўзи билан бирга ҳисоблаш хоналарини айландик, иш жараёни билан таништик. Йигитлар билан кўришдик, суҳбатлашдик. Улар учун алоҳида чўнтаксиз кийим тиктиришибди. Айримлари соқол қўйиб улгуришибди ҳам.

Илтимос қилдик, иш жараёнини кўрсатиб беришди. Электрон машина точкасига абитуриентларнинг жавоб варақалари қўйилади. Машина тез фурсатда унинг тасвирини олади ва марказий машинага жўнатади. Кейин шу тасвир орқали унинг балини марказий машина ҳисоблаб чиқади. Кўриниб турибдики, бу ҳисоб-китобларда «четдан» қатнашишнинг имкони йўқ.

Иш давом этарди. Уларга «Ҳорманглар» дея ташқарига йўналдик.

Бу йилги тестларнинг алоҳида таъкидласа арзийдиган жиҳатлари кўп. Масалан, кириш баллари барча йўналишлар бўйича ўсган. Кириш балини аниқлаш жуда осон. Дейлик, бир факультетга 50 нафар талаба қабул қилиниши керак. Агар 500 нафар абитуриент ариза берган бўлса, 500 дан 50 нафар энг юқори балл тўплаган абитуриент ўқишга қабул қилинади ва эллигинчи талабанинг тўплаган бали кириш бали ҳисобланади.

Кириш баллари ошганлигининг бир неча сабаблари бор. Бу Узбекистон Республикаси Давлат Тест маркази ва Халқ таълими вазирлигидан бошлаб то ўқитувчи-репетиторларгача бўлган босқичда амалга оширилган катта меҳнат натижасидир. Тест маркази тест саволларини эълон қилган бўлса, Халқ таълими вазирлиги уни жойларга тарқатди, тестлар бўйича ўқувчилар, репетиторлик курслар уюштирди. Бу жараёнлар ичида «Маърифат» газетасининг ҳам ўзига хос ўрни бўлди деб ўйлаймиз.

Тест маркази директори Муҳсин ака Муҳиддинов бу йилги тест-синовларда абитуриентлар техник хатоларга умуман йўл қўймаганликларини алоҳида таъкидлади. Бу аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларини ўқитиш ҳам катта самара берганлигидан далолатдир.

Юқоридаги фикрлар илк таассуротлар. Шундай экан, таҳлил давом этаверади. Ҳозирча эса барча талабаликка қабул қилинганларнинг ўзларини, устозлари ва ота-оналарини табриклаб, ўқишларида ривож тилаб қоламиз.

Ҳ. ОМОНОВ.

Тажриба, синов, натижа

МУСИҚАЛИ ЎЗБЕК ТИЛИ ТАЪЛИМИ

Ҳозирги жараён ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишга янгича усулларни жорий қилишни талаб қиляпти. Айни пайтда тил ўрганиш учун мос бўлган илмий мунозара, муаммоларни ҳал этиш, кузатиш, эшитиш, савол-жавоб, билимларни синаш, изоҳли луғатлар орқали ишлаш, кўргазмали тажриба каби услубларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, биз кўпроқ қуйидагиларга эътибор беришимиз керак:

1. Ўқувчиларни ўзбек тилида фикрлаш, гапиришга ўргатиш.
2. Тафаккурни ривожлантириш.
3. Билим олишга қизиқишни ошириш.
4. Ўқувчи зеҳнини тарбиялаш.
5. Билимларни мустаҳкамлаш.
6. Узоқ эсда сақлаб қолишини таъминлаш.
7. Тафаккур қобилиятини мустаҳкамлаш.

Шу мақсадда биз тил ўргатиш жараёнида жаҳонда қўлланиладиган илғор услубларга ёндошган ҳолда «Мусиқали ўзбек тили таълими» «ТАГ» номли таълим кассеталарини ўқитувчиларга янги услубий ёрдам сифатида тавсия этмоқчимиз. Ушбу тажриба бир неча мактаб, лицейларда, жумладан Чилонзор туманидаги 103-мактаб-гимназияда ҳам ўтказилди. «Узбекистон—Ватаним маним» мавзуида ўтказилган очиқ дарс ўқувчиларда ҳам, ўқитувчиларда ҳам яхши таассурот қолдирди. Бир неча ўқитувчилар мазкур дарс ўтиш усули ҳақида фикр билдириб, бу ўқувчиларнинг тил ўрганишида, мавзуни яхши эсда сақлаб қолишларида жуда қулай эканлигини айтишди. Натижа шуни кўрсатдики, ўқувчилар қўшиқдаги айрим сўзларнигина эмас, балки бутун матнни ёд олишди. Бу эса тил ўргатиш жараёнида ўзбек мусиқаси ва маънавиятига ҳам ўқувчи диққатини тортади.

Бундан ташқари ушбу усул А. Икромов туманидаги 44, 107-мактабларда, Юнусобод туманидаги 221, 21, 80-мактабларда, Чилонзор туманидаги 168, 178-мактабларда ҳам қўлланилди. Кутилган натижага эришилди.

Қуйида сизга мазкур дарс жараёнини озгина бўлсада зеҳнингизга етказмоқчимиз. Бу кассета орқали дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларда қуйидаги жиҳатларни тарбиялаш лозим деб топдик:

а) зукколик
б) фаҳмлаш тезлиги
г) зеҳн ўткирлиги
д) билимни тез эгаллаш қобилияти
е) қўйилган муаммони тез ва тўғри англаш.
ж) эсда сақлаш қобилияти
з) хотира.

Магнит тасмасидан фойдаланишда қуйидагиларга эътибор қилиш керак:

Магнитафондан тинглаётган қўшиқни ёки бирор парчасини эътибор билан эшитиб, унинг сўзларини имкони борича тўлиқ хотирангизда сақлаб қолишга ҳаракат қилинг. Агар қўшиқ матни тўлиқ англашилмаса, уни такрор тинглашингиз мумкин. Табиийки, бу эҳтиёж ўқитувчи томонидан қўйилаётган лексик-грамматик топшириқ талабига боғлиқ бўлади.

Қўшиқни тинглаб бўлгач, қўлингиздаги матн асосида ўзбек тилидан олган билимларингизни мустаҳкамлашга киришинг. Сиз тинглаган қўшиқ матнидан тушириб қолдирилган сўз, жумла ёки грамматик шаклларни хотирангизда сақлашга асосланиб, уларни ўз ўрнига қўйишингизни талаб этади. Ўқитувчининг топшириғига кўра бу сўзларни уларнинг синонимлари билан алмаштириш мумкин, яъни топшириқ турларини турлича ўзгартириш мумкин.

Матн мазмуни бўйича саволларга аниқ ва ихчам жавоб бериш керак. Қўшиқда ифодаланган ғоя ва мазмун жавобингизда акс этсин ва ҳар бир сўзнинг гапдаги муҳим ўрнини, ҳиссасини билиб олинг ва уни нутқингизда тўғри қўллашни ўрганинг.

Учинчи топшириқ сизнинг сўз бойлигингизни оширишга қаратилган. Ўзбек тилининг бой хазинасидаги бу жозибадор сўзларнинг маъноларини билиб олинг. Шу мақсадда изоҳли луғатларга мурожаат этсангиз дуруст бўлади. Қизиқсангиз, сўзнинг янгидан-янги маъноларини очасиз, чиройли ва таъсирчан гаплар тузасиз.

Мусиқали таълимда қўшиқ матни таҳлилига алоҳида эътибор берилади. Матн устида ишлашда уни кичик мазмуний қисмларга бўлиб ўрганиш лозим. Эътиборингизга ҳавола этиладиган қўшиқ матнидан, «Ватан», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистон», «Мен юртим билан фахрланаман» мавзусидаги ноанъанавий дарслар ўтилганда фойдаланиш мумкин. Дарс мавзуси танланиб, ўқувчиларга Ватан ҳақида тушунча берилади.

Ватан—аввало бу биз туғилиб ўсган жой, у бепоён, гўзал келажаги буюк мамлакатимиздир. Бу сўз ҳаммамиз учун нақадар азиз. Бизнинг Ватанимиз барча халқлар озод ва тенг ҳуқуқли бўлган адолатли ва қардошлик мамлакатидир. Биз ўз Ватанимизни севамиз, у билан фахрланамиз. Ватан муҳаббати тубсиз бўлмоғи лозим.

Ўз Ватанини севмоқлик ҳар бир шахснинг муқаддас бурчидир. Лекин ҳақиқий ватанпарвар севиш билан бирга Ватан равнақи; ободлиги ва обрўйи учун бутун имкониятини ишга солиб ҳаракат қилади.

Бизнинг Ватанимиз—бой тарихга эга, келажаги буюк бу Ватаннинг фарзандлари ўз Ватанига содиқ бўлмоғи лозим. Ватан—ундан энг муборак ер борми дунёда. Ватан она каби якка-ягонадир, азиздир, мукаррамдир. Шундан сўнг, ўқувчиларнинг Ватан ҳақидаги тушунчасини фикр алмашиш орқали мустаҳкамланади. Тасмада ёзилган қўшиқнинг матни доскага ёзилиб, юқорида кўрсатилган топшириқлар бажарилади:

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?!
Халқим, тарих ҳукми _____ агарда
Мангу _____ элтган бўлсайди
Қорликларни_____ этган бўлсайдинг
Меҳрим бермасмидим ўша _____
Ватанлар, ватанлар
Майли, гулласин, боғ _____
_____ музда ҳам
Аммо, юртим, сени фақат _____учун севган фарзанд бўлса,
_____ , асло.
Мен_____ севаман,
Мен нечун севаман,
Мен нечун _____
Ўзбекистонни?
Тупроғин кўзимга
айлаб_____
Нечун _____ дея
Еру осмонни
Муқаддас_____, атаймиз
танҳо
Аслида дунёда _____
нима бор?
_____ ўсмайдими
ўзга элда ё
Ёки _____севгимга
сабаб
Ахир қуёшли-ку бутун ___
_____ нечун севаман
Мен_____ _____
Мен нечун севаман
Ўзбекистонни!
Боғларин _____
деб
Кўз-кўз этаман
Нечун ардоқларман
Нечун _____
Нечун ардоқларман
Тупроғингни мен
Ўпаман_____ , бебаҳо Ватан
Аслида тупроқни одил_____
Тақсим айлаган-ку ер юзига_____
Нечун бу тупроқ деб_____Фурқат
О. Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг _____!?
Хўш, нечун севаман!?
Мен нечун севаман!?
Биз нечун севамиз!?
_____
Сабабини айтгин десалар менга
Сабаби_____ , дадажон?!
Мен _____ этаман
Мен таъзим_____
Она_____
Мен таъзим этаман
Мен таъзим этаман
Мен таъзим этаман
_____ халқимга.

Уйга вазифа қилиб, қўшиқ матнида берилган тарих, ҳукм, мангулик, тўтиё айламоқ, ардоқламоқ, одил сўзларининг маъносини луғатдан фойдаланиб изоҳлаш ва улар иштирокида учта гап тузиш берилади.

Ҳали ўзбек тилини ўргатиш, унинг ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун ўзбек тилини ўқитишга доир дастурий аҳамиятга молик материаллар тайёрлаш бўйича жуда кўп иш қилишимиз лозим. Умуман «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш таълим мазмунини тубдан янгилашдаги инқилобий жараённинг таркибий қисмидир.

Гулнора МУҲАММАДЖОНОВА,
Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти тил ва адабиёт бўлими услубчиси.

Долзарб мавзу

МАКТАБ СУВ ҲАВЗАЛАРИ ҚАЧОН БИТАДИ?

Узбекистонда сувга чўкаётганларни қутқариш ташкилоти узоқ йиллардан буён мавжуд. Улардан олинган маълумотларга қараганда, минг афсуски, ёз ойлари сувга чўкиб ҳалок бўлаётганлар сони ошса ошяптики, камайгани йўқ. Бунинг асосий сабаби — республикамизда махсус чўмилиш ҳавзаларининг етарли эмаслиги ва аксарият одамларимизнинг сувда сузишни ўрганмаганлигидир. Махсус ҳавзалар ниҳоят даражада камлиги туфайли кишилар тезоқар, чуқур, хавфсизлик таъминланмаган жойларда чўмилишмоқда. Бунинг натижасида турли нохуш ҳоллар рўй беряпти. Сувда чўкаётганларнинг кўпчилигини мактаб ёшидаги болалар ташкил этиши, айниқса, ачинарлидир. Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун, албатта, махсус чўмилиш ҳавзаларини қуриш ва одамларни эртароқ сувда сузишга ўргатиш, республикада спортнинг мана шу турини ривожлантириш лозим бўлади. Бу юмуш кўпроқ, ўз-ўзидан, мактаблар зиммасига тушади. Сувда сузишни ўрганиш, умуман олганда, болаларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишида ҳам етакчи ўрин тутади.

Фарғона вилояти ҳокимлиги 1994 йили «Умумтаълим мактабларида спортнинг сузиш турини ривожлантириш тўғрисида», фармойиш чиқарди. Мазкур фармойишда вилоятдаги имконияти бор барча мактабларда бўйи 25 метр, эни 12 метр, чуқурлиги 1 метр ҳажмидаги сув ҳавзаларини қуриш лозимлиги кўрсатилган. Очиғини айтганда, бу фармойишни нотўғри тушунганлар ҳам бўлди. Чунки уларнинг қурилишига катта маблағ кетади. Бундан ташқари, бошқа долзарб ишлар турганда, ҳавзага нима бор, дегувчилар ҳам топилди.

Яқинда вилоят бўйича текширув ўтказилганда, бу борада баъзи бир оқсаётган, вилоят ҳокимлиги фармойишига, эҳтимол, ҳануз иккиланиб қараётганлар борлиги аниқланди. Масалан, Охунбобоев туманидаги 26 та мактабда сув ҳавзалари қурилиши режалаштирилган. Ҳозиргача улардан 14 таси фойдаланишга топширилди. Ҳавзалар давлат стандартларига жавоб беради, лекин бу ерларда сузишни ўрганувчилар учун ҳанузгача жадвал тузилмаган. Барча мактаблар туман ҳокимлигининг 1994 йилдаги фармойишига асосан оталиқ ташкилотларига бўйсундирилган. Яна олтита мактабда сув хавзаси қурилиши олиб бориляпти. Оталиқ ташкилотларидан А. Яссавий номли, «Намуна», А. Раҳимов номли, «Узбекистон», Мадалиев номли, Умаров номли, «Солижонобод» жамоа хўжаликлари бу борада ибрат кўрсатишяпти.

Яқинда туманда 5-мактабда сув ҳавзалари қурилишига бағишланган кенгайтирилган семинар-кенгаш ўтказишга ҳам муваффақ бўлинди. Унда барча шаҳар ва туман халқ таълими бўлими мудирлари, қурилиш муҳандислари қатнашдилар.

Қувасойдаги 29 та мактабда сув ҳавзаси қурилиши режалаштирилган. Шундан 7 та ўқув даргоҳида қурилиш ишлари ниҳоясига етган. Тумандаги 2-мактабда қурилган сув ҳавзаси мослаштирилган бўлиб, бўйи 12 метр, эни 6 метр, чуқурлиги 1 метрни ташкил этади. 16-мактабнинг сув ҳавзаси стандартга мос, аммо унга ҳунузгача сув қуйилмаган. 7-мактабдаги сув ҳавзаси бўйи 60 метр, энди 30 метр қилиб қурилган, унинг бир бўлаги машқ бажаришга, иккинчи бўлаги мусобақа ўтказишга мўлжалланган. Хуллас, шаҳар ҳокимлигининг фармойиши билан мактаблар оталиқ ташкилотларига бириктирилган. Аммо шаҳар халқ таълими бўлими улардан етарли даражада фойдаланмяпти.

Бешариқ туманидаги 18 та мактабда очиқ сув ҳавзаси қурилиши лозим. Ҳозирги кунда 6 та мактабда иш бошланиб, учта ҳавза фойдаланишга топширилган, холос. Туманда оталиқ ташкилотлари яхши фаолият кўрсатмаяпти.

Марғилон шаҳрида 30 та умумтаълим мактаби бор. Шундан атиги 4 тасида сув ҳавзаси қурилиши режалаштирилган. Аҳволни қарангки, ҳатто шу 4 та мактабда ҳам қурилиш битгани йўқ. 2,7-ўқув даргоҳларида ҳавза учун чуқур қазилган, бетон блоклари келтирилган, лекин қурилиш шу ҳолича қолиб кетган. 20-мактабда эса 1993 йили ҳавза учун 2 метр чуқур қазилиб, атрофи темир панжара билан ўралган. Унинг бир метрини тўлдириб, цемент сувоқ қилингандан кейингина фойдаланишга топшириш мумкин. Мактабларга шу вақтга қадар оталиқ ташкилотлари бириктирилмаган. Демак, туманда вилоят ҳокимлигининг фармойишига эътиборсизларча муносабатда бўлинмоқда.

Боғдоддаги 49 та мактабдан 16 тасида сув ҳавзалари фойдаланишга топширилган. Туман марказидаги «Боғдорчи» ўйингоҳида яна 1 та сув ҳавзаси қурилиб, ҳозир фойдаланишга топширилиш арафасида. Бу ерда мазкур масала бўйича кўп ибратли ишлар амалга оширилган.

Фарғона шаҳридаги 34 та мактабдан 9 тасида сув ҳавзаси қурилиши режалаштирилган. Аммо бу борада умуман иш қилингани йўқ, деса бўлади. Ваҳоланки, вилоят халқ таълими бошқармасига берилган маълумотда 3 та сув ҳавзасининг битаётгани ҳақида маълумот берилган. Шаҳардаги 7 та мактабда очиқ сув ҳавзаси қурилиши 1996 йил режасига киритилган бўлиб, ҳозирга қадар оталиқ ташкилотлари томонидан бирорта амалий иш бажарилмаган.

Вилоят ҳокимлиги мазкур фармойишини бажаришга масъулиятсизларча ёндашиш ҳолатини Данғара, Учкўприк, Олтиариқ, Бувайда туманларида ҳам кўриш мумкин.

Ана шу масала яқинда Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасининг кенгайтирилган ҳайъати йиғилишида ҳам атрофлича кўриб чиқилди, тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Баъзи бир масъул ходимларга ўз вазифасига масъулиятсизларча ёндашаётгани учун ҳайфсан берилди. «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти, педагог ходимлар малакасини ошириш институти жисмоний тарбия бўлимига эса болаларга сувда сузишни ўрганиш борасида услубий қўлланмалар яратиш, услубий ёрдам бериш, илғор тажрибаларни оммалаштириш вазифаси топширилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, вилоятда жами 853 та мактаб бўлиб, шундан 468 тасида сув ҳавзаси қурилиши режалаштирилган. Ҳозирга қадар 274 та мактабда қурилиш ишлари бошланиб, 135 та очиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Бу катта миқёсдаги ишда, ҳозирги иқтисодий қийинчиликка қарамай, анчагина илгарилаш борлигидан далолатдир.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз.

Футбол шинавандалари баъзан 1970—1975 йилларда «Пахтакор» жамоасида тўп сурган таниқли футболчи Розиқ Турғуновнинг моҳирлиги ҳақида фахр билан гапиришади. Ҳозир у бутун билим ва маҳоратини А. Икромов туманидаги 3-болалар-ўсмирлар спорт мактаби ёш футболчиларини тарбиялашга сарфлаяпти. Самарали меҳнат натижасида унинг шогирдлари эл-юрт орасида қунма-кун танилиб бормоқда.

СУРАТДА: Розиқ Турғунов спорт мактаби тарбияланувчиларига тўп тепиш санъати бўйича машғулот ўтказаётир.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Хулгас...

ГЛАДИОЛУСЛАР ҲАМ ДАРАХТДЕК

Жанубий Африканинг Йоханнесбург шаҳрилик Мадж Бестерга гладиолуслар қийғоч гуллаган дарахтлардек туюлади, пуштадаги қулупнай туплари эса унинг нақ белидан келади. Бўйи 65 сантиметрга тенг Мадж дунёдаги энг пакана аёл сифатида «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олган.

Маджнинг онаси Винни Бестер ундан бор-йўғи 5 сантиметргина баланд. Иккалови ҳам наслдан-наслга ўтувчи суяк нозиклиги касаллиги билан хаста ва айнан шу касаллик уларнинг бўйлари табиий-ўсишини тўхтатган. Бу касаллик туфайли Мадж деярли ногиронлар аравачасига михланган. У оёқда узоқ тик туролмайди ва мутлақо юрмайди. Заифгина зарба ҳам унинг суякларини қаттиқ лат едириши мумкин.

ҚАШШОҚ МИЛЛИОНЕР

800 минг долларга тенг бойликнинг соҳибаси, Испаниянинг Барселона шаҳрилик Пресенсиа исмли 77 яшар балиқфуруш кампир тўла қашшоқликда яшаб, ўзининг вайрона кулбасида очликдан сал бўлмаса ўлиб қолаёзди. Бунга сабаб бўлиб унинг ҳаддан ортиқ очкўзлиги хизмат қилди, деб хабар беради Франс Пресс агентлиги.

Пресенсианинг қўшниси кампир бир неча кундан буён уйидан чиқмаётганидан ташвишланиб, ўт ўчирувчилар жамоасини чақирди (Испанияда улар ўзига хос «универсал халоскор» вазифасини бажарадилар). Улар уйга бостириб кириб кулбани бутунлай қаровсиз ҳолда кўрдилар, соҳибасини эса очликдан силласи қуриб, йиқилиб шикастланган аҳволда топдилар. Ҳалоскорларига раҳмат айтиш ўрнига Пресенсиа улардан ошхонадаги жавончада сақланаётган пулларни омонат кассасига элтиб топширишларини илтимос қилди.

Маҳаллий ҳакамнинг ижозати билан полиция уйни текшириб кўрганида, 500 минг песет (4,5 минг доллар) танга, 10 миллион песет (90 минг доллар) қоғоз пул, бир қоп қадимги тангалар, қиймматбаҳо тақинчоқлар ва омонат кассаларига қўйилган жами 800 минг долларга тенг жамғармага берилган квитанциялар топилди. Ҳозир (салкам миллионер) кампир Барселона яқинидаги қариялар уйида даволанмоқда.

ТАЛАБА—АСР ТЕНГДОШИ

Бернабе Еванхелисте уни «унча ёш бўлмаган» талаба деб аташларига қаршилик билдирмайди, аммо «энг кекса» деб аташларини мутлақо хуш кўрмайди. «Ахир, мен энди 92 га кирдим», дейди у Валенсия дорилфунунининг нафис санъат қуллиёти кундузги бўлимидаги йигирма ёшли курсдошларига.

Ўқиш имконияти бўлмади, бироқ рассомликка у болалигидан қизиқарди. Фақат 70 ёшга тўлгандагина у ўзи суйган иш билан шуғулланишга имкон топди.

ЧАҚМОҚДАН КУЧ ОЛДИ

Австриянинг Шванебах қишлоғилик Лотта Гроф-майстер чақмоқдан кейин ажиб ҳолатга тушиб қолди. Қишлоқдан қайта туриб, йўлида учраб қолган новвосни шохидан ушлаб, улоқтириб ташлади. Бир неча кундан кейин бир байрамда иккита полвонни кўз очиб-юмгунча ер парчин қилди. Тахмин қилишларича, қиз бу кучни чақмоқ натижасидаги электр энергиясидан олган.

ана шунақа гаплар.

НАЗАРМАТ

АКАДЕМИК ОСИМИЙНИНГ СЎНГГИ СЎЗИ

Қўшни мамлакат — Тожикистонда бўлаётган нотинчликлар у ердаги зиёлилар бошига ҳам кулфатлар ёғдирмоқда. Яқинда миллат душманлари томонидан тожик халқининг азиз фарзанди, Тожикистон Фанлар Академияси академиги, халқаро Жавоҳарлал Неру мукофотининг нишондори Муҳаммад Осимийнинг отиб кетилиши ҳам тинчликсевар инсонлар қалбида оғир жароҳатлар қолдирди.

Мен бугун йиқилдим тоғлар бағрида,
Мен ерга бош қўйдим боғлар бағрида.
Менга кўтарилди номарднинг қўли,
Элимда чанг тўзғир, у ёвнинг йўли.
Мен нурга интилдим, нур эдим фанда,
Нур бўлиб яшадим она-Ватанда,
Лекин тўсди менинг йўлимни ёвлар,
Қайирди маърифий қўлимни ёвлар.
Нур яшар зулматда, дарду кулфатда,
Ҳатто тўзон сўнмаган мамлакатда.
Сир соҳили эди туғилган жойим,
Покиза йўлларда борарди пойим.
Камол Хўжандининг пайванди эдим,
Ботир Темур Малик фарзанди эдим,
Рудакий дўстликдан сабоқ берарди,
Кўнглим Ибн Сино меҳрин терарди.
Самарқанд илм берди, Душанбе юртим,
Тинчлик фани эди ҳаётим, кўрким.
Бу ниятим ёқмай қолди ёвларга,
Она-Ватаним дуч келди ғовларга.
Мен бугун йиқилдим тоғлар бағрида,
Мен ерга бош қўйдим боғлар бағрида,
Менга кўтарилди номарднинг қўли,
Элимда чанг тўзғир, у ёвнинг йўли.

«ОЛТИН МЕРОС» КАТАЛОГИ

«Олтин мерос» хайрия фонди ходимларидан арабшунос мутахассис А. Дадаев ҳамда филология фанлари доктори М. Ҳамидовалар VII-IX асрда Турон ва Туркистон заминида, IX-XX аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудида яшаб, ижод этган шоир, таржимон, файласуф, олимлар ҳаёти, ижоди тўғрисида қимматли маълумотлар тўплаб қўйишди. Ҳозиргача 200 дан ортиқ ана шундай ижодкорлар тўғрисидаги маълумотлар йиғилганлиги, айниқса жуда бебаҳо воқеадир. Уларнинг номи айни кунда фонд томонидан келгусида чоп этиладиган «Олтин мерос каталоги» китоби рўйхатига киритилди.

М. ЭРОНОВ.

Сафар таассуротлари

ҲАР ТИЛНИНГ ЎЗ ЖОЗИБАСИ БОР

Методика билан ун олти йилдан буён шуғулланиб келаётганлигим ва немис тили дарслиги, немис тили ўқув қўлланмаси, ўзбекча-немисча луғат, педагогика билим юртлари учун ўқув дастурлари, кўпгина рисола ва илмий-методик мақолалар ёзганлигим ҳамда немис тилидан ўтказилган семинарларни ташкил этганлигим учун Германия Федератив Республикасидаги Гёте номли институтнинг стипендиясини олиб, шу институтнинг икки ойлик курсида таълим олиш шарафига муяссар бўлдим. У ерда Япония, Корея, Комбоджа, Бразилия, Испания, Австралия, Швеция ва бошқа мамлакатлардан келган ёш мутахассислар билан биргаликда немис тилидан ўз малакамни оширдим.

ГФР халқ таълими тизими республикамиз халқ таълими тизимидан фарқ қилади. Баварядаги мактаблар тизими бошланғич мактаб (1-4-синфлар), асосий мактаб (5-9-синфлар) ёки реал мактаб (5-10-синфлар) ва гимназия (10-13-синфлар)лардан иборат. Кейинги 30 йил давомида гимназия ва реал мактабларда ўқишни хоҳловчи ўқувчиларнинг сони ортиб, 1960 йил 640 000 ўқувчини, 1970 йилда эса 1 миллиондан ортиқ ўқувчини ташкил этди.

Таълим жараёни Германияда ҳам мамлакатимиздагидек тарбия билан биргаликда олиб борилади. Баварядаги мактабларнинг 1981-82 ўқув йилида Таълим ва маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси ҳамда ўқув дастуридан фойдаланиб машғулотларни ҳозирги кунда ҳам утиши диққатга сазовордир.

Бошланғич мактабларнинг 1-2-синфларида ўқитиладиган немис тили, математика, бизни ўраб турган атроф-муҳит, мусиқа, ҳаракат тарбияси ва санъат тарбияси каби асосий фанларнинг ҳаммаси бир блок сифатида берилиб, ҳафтасига 17 соат ажратилган. Диний таълим, меҳнат, жисмоний тарбия фанларига эса ҳафтасига 1-3 соат ажратилган. 3-4-синф ўқув режаларида барча фанларга ажратилган соатлар ҳар бир фан учун алоҳида берилган.

1-4-синфларга спорт дарси учун ҳафтасига 2 соат ажратилган бўлиб, 3-4-синф ўқувчиларининг шахсига, улар яшаётган жойнинг миントақавий жойлашувига кўра спортнинг маълум бир тури билан мукаммал шуғулланиш учун яна 2 соат қўшиб берилган. Бошланғич синфда кунига камида 3 соат дарс берувчи ўқитувчи синф раҳбари этиб белгиланади.

Ўқишни биринчи бор бошлаётган ўқувчилар биринчи ҳафтада 3 соат, тўртинчи ҳафтадан бошлаб эса 4 соат дарс ўтадилар. Грек, итальян, португал, испан ва турк тиллари она тилиси бўлган ўқувчилар эса она тили фанини мактабларда талабларга биноан ҳафтасига 3 соат ўрганишади. Бу тиллар давлат тили сифатида эмас, балким ўз она тилларида оила ва давра суҳбатларида сўзлаша олиш даражасидагина ўрганилади. Инглиз, француз, лотин ва итальян тиллари мактаб ҳамда гимназияларда биринчи ёки иккинчи хорижий тил сифатида ўқитилади.

Фанлар ўқув режасида асосан учта блокка бўлинади:

мажбурий ўқитиладиган фанлар;

танлаб олинадиган мажбурий фанлар;

танлаб олинадиган фанлар.

5-9-синфларнинг мажбурий ўқитиладиган фанлар блокига дин (этика), немис тили, инглиз тили, математика, физика, кимё, биология, тарих, социал-иқтисодиёт, одобнома, география, меҳнат, уй-рўзғор иқтисодиёти, спорт, мусиқа, санъат тарбияси киради. Танлаб олинадиган мажбурий фанларга инглиз тили, санъат тарбияси, техникавий чизмачилик, тўқимачилик ишлари, уй-рўзғор иқтисодиёти, ёзув машинкасида ёзиш, спортнинг танланган бир тури киради. Танлаб олинадиган фанлар блокини барча танлаб олинадиган фанлар, қисқа ёзув ва информатика фанлари ташкил этади. Ҳафталик соатлар миқдори 5-6-синфларда 30+2, 7-синфда 32+2, 8-9-синфларда 34+2.

Иқтидорли ўқувчилар ўзларининг қобилиятларини кўрсатиш имкониятига эгадирлар. Уларга муддатидан олдин имтиҳон топшириб олий ўқув юртларига кириш имконияти берилган.

Мамлакатда таълим фақат немис тилида олиб борилади. ГФР мутахассисларининг фикрича, таълимнинг фақат бир тилда олиб борилиши таълим-тарбиянинг самарадорлигини оширишга катта имкониятлар туғдириш билан бир қаторда иқтисодий жиҳатдан ҳам давлатга фойдалидир.

Ҳозирги кунда Германия билан таълим соҳасидаги алоқа ҳам ривожланиб бормоқда. Ўрта умумтаълим мактаб ўқувчилари учун 5-11-синф «Немис тили» дарслиги ва «Немисча-ўзбекча, ўзбекча-немисча» луғат республикамиз ўқитувчилари ва олимлари томонидан германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ёзилмоқда. Хуллас, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш йўллари изланяпти.

Туркман ОЧИЛОВ,
РТМ Ғарбий Европа тиллари бўлими бошлиғи.

Санъат сеҳри

«САНДИҚЧИ» ИЗЛАЁТГАН САНЪАТКОР

Ғойиб ота Тўйчиев ёшлигидан «санъатнинг нони»ни еб катта бўлди. Доирачи бобоси Умрзоқ ота, ҳофиз амакиси Қурчибой ака, қолаверса, отасидан санъат сирларини қизиқиб ўрганди. Кейинроқ бачқирлик Абдуқодир қассобдан таълим олди. Айтишларига қараганда, у киши хориж тилларидан таржимонлик қилиши, аскиячилиги, ҳофизлиги билан ном қозонган экан.

1939 йилда ўзбек халқи Катта Фарғона канали қурилишига отланди. Бу даврда куч-қувватга тўла барча ёш йигитлар фронтда бўлишиб, бутун оғирлик аёллар, кексалар, шу жумладан болалар зиммасига тушарди. Зеро, бу буюк қурилиш барчанинг ризқ-рузини таъминлаш манбаи эди. Ўн тўрт ёшли Ғойибжон ҳам ўз ихтиёри билан канал қурилишига келиб, ер қазувчиларга сув, чой ташиб, қурби етганича уларга мадад беришга интиларди. Дам олиш соатларида эса устозларидан ўрганган ўзининг энг севимли ашулаларини айтиб бериб, барчанинг олқишига сазовор бўларди. Ана шундай кунларнинг бирида у машҳур ҳофизлар Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовларга рўпара келди. Улар йигитчани тўхтатиб қайта-қайта ашула айттириб кўришди-да: «Бу бола бизнинг йўлимизни жуда яхши ўзлаштирибди, келажакда, албатта, ҳофиз бўлади»,—дея елкасига қоқиб қўйишди. Бу табаррук олқишу юксак ишонч ёштина ҳавасманд йигитнинг қалбига санъатга кучли муҳаббат руҳини олиб кирди.

Йиллар ўтиб, Ғойибжон Тўйчиев Фарҳод сув электрстанцияси қурилишида ҳам санъаткор ўртоқлари Султонали Аҳмедов, Мирзабдулла Раҳимовларни ёнига олиб, ҳам ҳашарчи, ҳам санъаткор сифатида жонбозлик кўрсатди.

Маълумки, санъат ҳам илоҳий қудрат. Агар кишига табиатан кучли, ширадор овоз, тенгсиз қобилият берилмаса, минг «чиранган» билан мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам киши қайси касбнинг эгаси бўлмасин, ҳақиқий ҳофиз бўлса, доимо гулдурос олқишлар қуршовида бўлаверади.

Ғойибжон Тўйчиев фақаттина санъаткорлик йўлида қолиб кетмади. Ота-боболари анъаналарини давом эттириш ниятида 1953 йилда тегирмон қуришга киришди. Катта тегирмонни юргизиб, қишлоқ аҳлига ҳалол хизмат қилди, айни пайтда санъатини ҳам унутмади, жуда кўп янги ашулалар яратди. Ўша пайтларда Фарғонада оилавий ансамблар тузиш, қушиқчилигимизни кенгроқ ёйиш ҳақида турли хил гаплар юрарди-ю аммо бу катта ишни бошлашга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Ҳофиз эса ўйланиб ҳам ўтирмай ҳаракатни бошлаб юборди. Унинг жонига мусиқа мактабида муаллим бўлиб ишлайдиган укаси Холиқберди Тўйчиев оро кириб, ансамблнинг ташкилий масалаларини ўз зиммасига олди. Ушбу ижодий жамоа то ҳануз ўз қушиқлари билан эл хизматига камарбаста. Ҳозирги кунда мазкур ансамбл аъзоларининг сони 25 нафардан зиёдроқ. Қизиғи шундаки, уларнинг ҳаммаси бевосита ҳофизнинг қариндошуруғлари, невара-чевара, ука, сингилларидан иборат.

Ғойиб ота Тўйчиев 1977 йилда «Биз фарғоналикмиз» деб номланган кўрик-танловда фахрли 1-уринни олганида, халқимизнинг Саодат Қобулова ва Ориф Алимахсумовдек буюк санъаткорлари: «Фарғона тонг оттунча» ашуласининг ҳақиқий ижроси бундан ортиқ бўлмаса кера-ак»,—дея ғурур билан гапиришганди. Бу баҳо ҳам ўша пайтда ҳофиз учун билдирилган юксак ишонч васиқаси эди.

Бу кекса ҳофиз алоҳида санъат тури—метарнинг ҳам жонкуярларидан бири.

Маълумки, «метар» оилавий дасталардан тубдан фарқ қилиб, унинг ижро этиш гуруҳи, услуби, дастури ҳам ўзига хос бўлиши керак. Бунда 2 та карнай, 2 та доира, 2 та ноғора керак бўлади. Шунингдек, 1 дона мис лаган, 2 та чўпга ўрнатиб олиб чалинади.

Қадимда бу созни ижро этган шахсни «сандиқчи» деб аташган. Лекин ҳозирги даврда бу қадимий санъат турига ёшларни сира жалб қилиб бўлмайди. Улар дарров бундан моддий манфаат қидиришади, «ҳақ» талаб қилишади. Кекса ҳофизнинг эса бунга бироз қудрати етмайди...

Аммо Ғойиб отанинг оилавий ансамбли ҳамон изланишда. Ансамбл аъзоларининг энг ёш қатнашчилари, ҳофизнинг неваралари Гулнора, Ҳафиза, Нигоралар, айниқса катта ашулаларни қойилмақом қилиб ижро этиб, оталари кўз ўнгида кундан-кунга маҳорат чўққиларини эгаллаб боришмоқда. Жабборали Акбаров, Алиқўзи Жумаев, Хурсанали Қуватовдек устоз «суянчиқ»лари эса ҳар куни пахта даласидан чиқибоқ, мусиқий машғулотларга ошиқадилар.

Қисқаси, бутун умри оддий халқ орасида ўтган, шу кунларда эса ўзининг 70 йиллик тўйини қизғин нишонлаш арафасида турган Ғойиб ота Тўйчиевнинг ҳаёти ҳикматларга бой. Унга ўз эли, киндик қони тўкилган юрт олқиши—олий мукофот.

Олимжон ҲАЙИТ.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Абу Райҳон Беруний номидаги 243-мактаб жамоаси кекса педагог, мактабнинг собиқ география ўқитувчиси

Зарофат МУСАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти жамоаси шу институт етакчи илмий ходими Фаёз Мусаевга рафиқаси

Зарофат МУСАЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Вазифасини бажарувчи
Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Икром ИСКАНДАР, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0446. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.